БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 декабрь Пайшанба № 243 (13.679).

Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ССЖИ Халқ депутатларининг IV съездида

ИМКОНИЯТЛАРНИ ҚИДИРИБ

МОСКВА, 18 декабрь. (ЎзТАГ махсус мухбири А. Баранов): Халқ депутатларининг тўртинчи съездида — мажлислар залида ҳам, ундан ташқарида ҳам ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг мамлакатдаги аҳвол ҳамда вужудга келган танг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги кечаги маърузаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Мажлислар залидан ташқаридаги муҳокамалар бизга ҳатто жуда қизиқарли туюлади. Бу тушунарли, албатта. Ҳамманинг ҳам минбарга чиқиб сўзлаши амри маҳол — тўрт юздан ортиқ депутат сўзга чиқиш учун ёзилган.

— Мамлакатдаги аҳвол, уни бугунги кунда чўзилиб кетган таназзулдан олиб чиқиш йўллари ҳақидаги масала, шубҳасиз, биринчи даражали масала ҳисобланади, — дея ўз таассуротларини ўртоқлашди Қашқадарё вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби А. Р. Отажонов. — Очиғини айтганда, маърузада Президент бундан бир ой илгари мамлакат Олий Кенгашининг сессиясида баён этиб берган дастурдан ортиқроқ ҳеч нарса эшитганимиз йўқ. Михаил Сергеевич бу галги маърузасида ўзининг асосий дастурий қоидаларини янада аниқроқ, уларни амалда рўёбга чиқариш йўлларини баён этди.

Шу маънода маърузанинг муҳокамаси анча қизиқарли бўляпти. Муҳокамаларда бутун мамлакат ва унинг айрим минтақалари учун ҳаётий муҳим масалаларни мутлақо аниқ-равшан ҳал этишнинг йўллари кўрсатиб берилган. Кеча Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоевнинг, парламент иқтисодий ислоҳот қўмитаси раисининг ўринбосари Ю. В. Блохиннинг нутқларида, жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг бугунги нутқида худди шундай таклифларни эшитдик.

Энг муҳими шундаки, улар тангликни кенг миқёсда бартараф этишнинг мавҳум, ноаниқ йўлларини эмас, балки ҳозирнинг ўзидаёқ кейинги вақтларда қабул қилинган кўплаб қонунлардан фарқли ўлароқ жойларда амалга оширилаётган ва одамлар фаровонлигига аниқ-равшан хизмат қилаётган таклифларни айтдилар. Мен Москвага, съездга тўппа-тўғри ҳосил байрамидан келдим. Бу байрам жуда узоқ танаффусдан сўнг вилоятимизда деҳқонларнинг қадимий анъаналари руҳида ўтказилди. Байрам ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, иқтисодий омилларни ҳаракатга келтириш юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилган ва амалга оширилаётган тадбирлар маънавий иқлимни, одамларнинг руҳий кайфиятини, энг аввало қишлоқ меҳнаткашларининг руҳини тубдан ўзгартириб юборди, уларда қайта қуришнинг муваффақиятига ишонч туғдирди.

— И. А. Каримов бугун съездда сўзлаган нутқида келтирган бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман: Ўзбекистонда қишлоқ меҳнаткашларига 170 минг гектар суғориладиган ер томорқа хўжалиги учун ажратиб берилди, — деб суҳбатимизни давом эттирди халқ депутати, Фарғона вилоятининг Ленинград ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги раиси Б. М. Эргашев. — Вилоятимизда суғориладиган ерлар билан боғлиқ аҳвол бизда қай даражада оғирлигини ўзингиз биласиз, шундай бўлса ҳам ўтган йили жамоа хўжалиги ерларидан 240 гектар майдонни томорқа сифатида ажратиш имконини топдик. Бу йил эса пахтадан мисли кўрилмаган ҳосил етиштирилди — ҳар гектар ердан 42 центнер пахта териб олинди. Тўғри бу йил об-ҳаво жуда яхши келди, шарт-шароитлар ҳам ёмон бўлмади. Аммо энг муҳими одамлар бошқача ишлайдиган бўлдилар, улар ўзлари ҳақида ғамхўрлик қилинаётганини кўриб турибдилар. Меҳнатларига жуда яхши ҳақ тўланмоқда. Хомхаёлларга берилмай, амалий иш қилиш, одамларнинг ташвиши билан яшаш керак...



Суратда: ўзбекистонлик ССЖИ Халқ депутатлари.

Суратчи: Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзТАГ).

Депутатлар билан суҳбатлар

АҲВОЛ ҲАММА ЕРДА ЯХШИ БЎЛИШИ КЕРАК

МОСКВА, 18 декабрь. (ТАСС-нинг парламентдаги мухбири А. ОРЛОВ). «Жумҳуриятлар мустақиллиги холис ва муайян жараёндир ва мен Ички ишлар вазирлиги ишини ана шуни ҳисобга олган ҳолда олиб бораман», — деди съезднинг навбатдаги мажлиси бошланиши олдидан ТАСС мухбири билан суҳбатда яқинда ССЖИ Ички ишлар вазири этиб тайинланган Б. К. Пуго.

Айни вақтда аҳоли ҳам, раҳбарлар ҳам, деб сўзида давом этди вазир, жиноятчиликка қарши тарқоқ ҳолда курашиш мумкин эмаслигини тушунишмоқда. Жиноятчилик байналмилал бўлиб, унга қарши биргина жумҳурият доирасида курашиш мумкин эмас. Шу сабабли жумҳуриятлар қўлга киритаётган мустақилликни ҳисобга олиш имкониятини берадиган иш усуллари керак бўлур эди, жиноятчиликка қарши курашда ягона ёндашув бўлиши лозим. Ана ўшандагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Биринчи навбатда маҳаллий тузилмалар жамоат тартибини сақлаш билан шуғулланишлари керак, лекин жиноятчиликка қарши кураш бошқа тузилмалар бўлишини ҳам тақозо этади, деди вазир. Шу сабабдан иттифоқ шартномаси лойиҳасига ССЖИ Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштиради, деб ёзиб қўйилган сўзларни етарли эмас, деб ҳисоблайди.

Яқинда вазирнинг биринчи муовини қилиб тайинланган генерал-полковник Б. В. Громовга келганда эса, унинг зиммасига тартибни сақлаш, ҳарбий-сафарбарлик ишлари, ёнғиндан муҳофаза қилиш вазифалари юклатилган. «Мен йўғимда эса у ўрнимни эгаллайди», — деди Б. К. Пуго. Вазир Б. В. Громов Болтиқбўйида, Белоруссия ва Украинада, Ўрта Осиёда, Афғонистонда хизмат қилганлигини ва ҳамма ерда турли миллат кишиларини жуда ҳурмат қилганлигини эслатди: «у турли-туман мураккаб миллатлараро вазиятлардан куч ишлатмасдан, зўравонлик ҳаракатлари қилмасдан чиқиш йўлларини излашга интилади».

* * *

Ироқдаги Шўро мутахассисларининг Ватанга қайтиши муносабати билан кейинги кунларда юзага келган қийинчиликлар асосан техникавий хусусиятга эга. ССЖИ Президентлик кенгашининг аъзоси съезднинг навбатдаги мажлиси бошланишидан олдин журналистларнинг илтимосига кўра бир қанча шўро мутахассисларининг Ироқдан қайтиб келиши кечикаётганлиги тўғрисидаги хабарларни шарҳлаб, шуни тушунтириб берди. Лекин у бундай тушунтиришлар кимдан келганлигини аниқ айтмади.

Айни вақтда Яқин Шарқ ишлари бўйича таниқли мутахассис бўлган академик мингга яқин шўро мутахассиси «ўзларининг шартнома муддатлари тугагунича Ироқда қолиш хоҳишини билдирганликларини» маълум қилди. Е. М. Примаков ССЖИ Президентининг шахсий вакили сифатида яқинда минтақадаги бир қанча мамлакатларга, шу жумладан Ироққа ҳам бориб келган эди.

Долзарб мавзуда суҳбат

Оқ йўл сизга, ўзбекистонликлар!

Ўзбекистон ССЖ Президентининг яқинда эълон қилинган «Жумҳурият ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва уни ўташни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қизғин кутиб олинди.

Президентнинг мазкур Фармони қандай бажарилмоқда? ЎзТАГ мухбири Т. БОТИРБЕКОВ Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссари генерал-майор В. Н. МАҲМУДОВ билан учрашди.

— Президентнинг мазкур Фармонини бажариш мақсадида жумҳурият ҳукумати қарор қабул қилди, унда қарорни рўёбга чиқаришнинг аниқ тадбирлари белгилаб берилган. Биринчидан, қарорнинг шу йил кузидан бошлаб Ўзбекистон ССЖ ҳудудидан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига жумҳуриятимиз ёшларини чақиришни тўхтатиш тўғрисида айтилган қисмига алоҳида эътибор берамиз. Иккинчидан, ҳарбий комиссариатлар тинч вақтда ҳарбий хизмат вазифаларини бажараётган чоғида ҳалок бўлганларнинг армияга чақириладиган укаларини ҳисобга олди ва улар ҳарбий хизматдан озод қилинадилар. Ўзбекистон ССЖ Президенти Фармонининг бу қоидаси ССЖИ Қуролли Кучлари бош штабида ишлаб чиқилди ва қонун кучига кирди.

Учинчидан, Ўзбекистон ССЖ ижтимоий таъминот вазирлиги муддатли хизматга чақирилган, машқлар натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек муддатли хизмат муддатини ўтаётган даврда ҳалок бўлганларнинг оилаларига қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олиб, пенсия миқдорини қайтадан кўриб чиқди, жумҳурият ҳукумати эса бунга қўшимча маблағ ажратди.

Энди бундай тоифадаги ногиронларга тўланадиган пенсиялар қуйидагича: биринчи гуруҳ ногиронларга 245 сўмгача, иккинчи гуруҳ ногиронларга 180 сўмгача, учинчи гуруҳ ногиронларга 80 сўмгача пенсия тўланади. Муддатли хизмат муддатини ўтаётган даврда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари пенсияларига унинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оиланинг ҳар бир аъзосига ойига 30 сўм миқдорида қўшимча нафақа тўланади.

Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирининг қўшимча ўринбосари лавозими жорий этилди. Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг соғлиқни сақлаш бўлимларида чақирув ёшига етмаган ва чақирув ёшидаги йигитларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, чақирув комиссияларида қатъий тиббий назорат бўлишини таъминлашга доир ишларни ташкил қилиш учун яна биттадан ўрин бериш назарда тутилган. Чақирув комиссияларининг шифокорларига у ерда ишлаш вақтида асосий маошига 30 фоиз қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Йигитларнинг саломатлигига кўра ҳарбий хизматга лаёқатлилигини қўшимча равишда чегаралаш рўйхати ишлаб чиқилди.

— 1990 йилда ёшларнинг кузги чақириғи қандай ўтаяпти? У баҳорги чақириқдан нимаси билан фарқ қилади?

— Кузги чақириқ ССЖИ Вазирлар Кенгаши билан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарорлари асосида ўтказилмоқда.

Бу галги чақириқ пайтида армияга қарши кайфиятлар кучаймоқда, уни матбуотда оммавий равишда танқид қилишмоқда. Армияга қарши кайфият ёшлар ўртасида кучайиб кетди, чақирилувчиларнинг ноҳия ва вилоят комиссияларига келишдан бош тортиш ҳоллари бўлмоқда, уларни қўшинларга жўнатиш ҳам анча қийинлашди.

Ҳарбий хизматга чақирилганлар ва уларга ҳамроҳлик қиладиган кишилар бугунги кунда вилоятлардаги йиғилиш пунктларида команда қаерга ва қандай транспорт билан жўнаб кетиши ҳақида тўла маълумот оладилар. Одатда армияга чақирилганлар тантанали вазиятда кузатилади.

Ноҳия ва вилоят комиссияларининг ишида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари, шунингдек ноҳия, шаҳар ва вилоят кенгашларининг депутатлари қатнашмоқдалар.

Кўпгина командаларни жамоат ташкилотларининг вакиллари хизмат жойигача кузатиб қўйишмоқда. Бугунги кунда ҳамроҳлик қилувчи кишилар армияга чақирилган йигитларимиз билан Москва, Оренбург, Челябинск, Свердловск, Пермь, Ленинград ва бошқа шаҳарларга жўнаб кетишди.

Бизда олиб борилаётган ишларга қарамай, Октябрь, Чилонзор, Собир Раҳимов, Ҳамза, Акмал Икромов ноҳияларида, Фарғона вилоятининг қатор ноҳияларида армияга чақириш ишларининг аҳволи ҳали ҳам яхши эмас.

— Ҳарбий комиссариатларни ўзбек тилини ва мазкур жойларда яшаётган бошқа кўпчилик аҳоли тилини биладиган кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Ҳозир Ўзбекистон (Туркистон ҳарбий округи)га ишга юборишни сўраб ҳарбий комиссариатга мурожаат этган ҳарбий хизматчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаяпмиз ва умумлаштиряпмиз. Бундай кишилар ҳарбий комиссариатлардаги бўш ўринларда ишлаш учун номзодлар қилиб олинмоқда. Умуман бу йўналишдаги ишлар режали бормоқда. Кадрларни синаш йўли билан танлаяпмиз ва уларни Ўзбекистон ССЖ шаҳар, ноҳия ҳарбий комиссариатларига тақсимлаяпмиз.

— Ўзбекистондан чақирилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларни оталиққа олиш қандай ташкил этилган?

— Бу муҳим йўналишда жуда катта иш олиб борилмоқда. Чунки йигитларимиз мамлакатимизнинг барча минтақаларида хизмат қилишади. Баъзи ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган йигитларимиздан ташвишли хатлар келаётгани, гоҳида эса жамоаларда юзага келган вазият ҳарбий хизматчиларни ўз қисмини ўз хоҳишича ташлаб кетишга мажбур этаётгани сир эмас.

Бу йил фирқа, шўро идоралари, жамоатчилик ва ота-оналарнинг комиссиялари йигитларимиз хизмат қилаётган ерга етмиш мартадан кўп боришди. Улар жангчиларнинг хизмат шароити энг ёмон бўлган фактларни аниқлаш учун у ерларга боришган эди. Сафар чоғида комиссияларнинг аъзолари бор турмушни ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлдилар, ўзбекистонлик жангчиларнинг турмуши, жанговар ишлари билан танишдилар. Қисмларнинг қўмондонлигига аскарлар ҳамда сержантларни ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашда катта ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистонликлар ўзбек тилидаги китобларни, миллий ўйинлар, совға салом буюмларини жангчиларга туҳфа қилиб олиб боришди.

Жумҳурият санъаткорлари, телекўрсатув ва радио ходимлари баъзи округларда бўлишди.

Ҳозир Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонига ва жумҳурият Вазирлар Кенгашининг қарорига мувофиқ деярли ҳамма ҳарбий округ ва флотлардаги бир қанча ҳарбий қисмлар билан Ўзбекистон ноҳиялари, шаҳарлари ва вилоятлари ўртасида бевосита оталиқ алоқалари ўрнатилган. Бу иш жумҳуриятимизнинг Фарғона, Наманган, Бухоро вилоятларида яхши ташкил этилган ва унумли олиб борилмоқда.

— Қурилаётган чора-тадбирларга қарамай, армияда ҳали ҳам ҳуқуқбузарликлар бўлмоқда, ўзаро муносабатларда уставга риоя этилмаяпти.

— Албатта, армиямизнинг бугунги аҳволи жамиятимизнинг аҳволидан унча фарқ қилиши мумкин эмас. Бу бор гап. Ҳаммамиз ўз ишимизда шундай ҳолатни доимо ҳис этаяпмиз. Болтиқбўйи, Молдова, Грузия, Арманистонда қабул қилинган ғайриқонуний ҳужжатлар маълум даражада армияда ноxуш ҳолатлар пайдо бўлишига кўмаклашмоқда.

Аскарларимиз ва офицерларимиз жамиятимизнинг бир ажралмас бўлагидир, уларни 18-20 йил мобайнида тарбиялаб, кейин армия хизматига жўнатамиз. Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар кўпайишининг ўзаро боғлиқлигини тушуниш учун баъзи рақамларни келтирмоқчиман. Мамлакатимизда жиноят содир қилаётган ҳар етти кишининг бири балоғатга етмаган, ҳар беш кишининг бири 18-24 ёш оралиғидадир, яъни у армияга чақириладиган ёшга етган. 1989 йилда 27 минг нафар балоғатга етмаган ёшлар суд ҳукмига мувофиқ жазо муддатини ўтадилар, 11 минг кишининг иши терговда қилинди, 100 мингдан ортиқроқ киши устидан чиқарилган ҳукмнинг ижроси кечиктирилди. Жумҳуриятимиз учун ҳам бундай манзара ўзига хос бўлиб қолди. Ана шу ёшларнинг кўпчилиги армияга бормоқда. Мана шунинг учун ҳам аскарларнинг бир-бирини маънавий ҳақорат қилиш ҳоллари тўхтамаяпти.

ССЖИ Президенти ва Иттифоқ ҳукумати мамлакатда, Қуролли Кучларда юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, бундай ноxуш ҳолларнинг олдини олишга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатларини қабул қилди; ССЖИнинг «Фуқаролар ҳуқуқларини камситаётган давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида»ги 1989 йилги Қонуни, ССЖИ Президентининг «Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир баъзи тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳарбий прокуратура шахснинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларига риоя этиш юзасидан курашни кучайтириб юборди.

ССЖИ вазирлар Кенгаши шу йилнинг март ойида жиноятчиликка ва унинг уюшган усулларига қарши курашга доир долзарб тадбирларнинг умумиттифоқ дастурини маъқуллади. Унда бизнинг ҳарбий масалаларимиз ҳам тилга олинган.

Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссариати ҳалок бўлганларни бирма-бир ҳисобга олаяпти. Ҳар бир ҳодиса юзасидан шўро ва фирқа фаоллари билан биргаликда ҳарбий қисмларга комиссия жўнаб кетмоқда, ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлишининг ҳақиқий сабабларини тасдиқлаш учун прокуратураларга сўров юборилмоқда.

— Армия ёшига етмаганларни тайёрлаш борасида Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссариати олдида қандай муаммолар турибди?

— Энг муҳими шундаки, ҳарбий комиссариатларда ишлайдиган одамлар етишмайди. Чақириқ ишлари жуда оғир кечаяпти, ҳамма офицерлар шу ишга жалб этилган, мактабларда, техникумларда эса тарбия ишлари билан шуғулланадиган одам йўқ.

Бизни ўқув юртлари хизматга чақириладиган ёшларни тайёрлайдиган муаллимлар билан таъминланмаганлиги ташвишга солмоқда. Уларни ҳарбий билим юртларида тайёрлаш керак бўлур эди.

Ўқув-моддий базасини тубдан яхшиламасдан туриб, хизматга чақириладиган ёшларни тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш ҳақида ўйлаб бўлмайди. Ҳозирча ўқув юртларининг отиш тирлари билан таъминланиши 61 фоизни ташкил этади. 190 та ўқув юртида умуман ҳарбий таълим хоналари йўқ.

Яна бир нарсани айтмоқчиман: таълим беришнинг якунловчи босқичида ёшларни ўқув — Дала йиғинларига тўплаш жуда қониқарсиз бўлмоқда.

Назаримизда, бундан қутилишнинг иложи шундай: пионер лагерларидан фойдаланиш, улар ҳузурида ўқув жараёнини таъминлаш учун зарур базани вужудга келтириш керак.

Бундан ташқари, ёшларни армия хизматига тайёрлашда рус тилига аҳамият бериш керак. Рус тилини билмасдан хизмат қилиш оғир бўлади. Мазкур муаммони ҳал этмай туриб, хизматга чақириладиган ёшларни тарбиялаш сифатини яхшилаш тўғрисида гапириш ҳам мумкин эмас. Ҳозирча, жумҳуриятимизда ана шу муаммонинг ечилиши оғир кечмоқда.

Ҳар йили, рўйхатга олиш чоғида, рус тилини яхши билмайдиган ёки умуман уни билмайдиган кўплаб йигитлар аниқланмоқда. Айниқса, Қорақалпоғистондан, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидан қўшинларга юборилаётганлар орасида бундайлар кўп.

Хизматга чақирилувчи ёшларни жисмоний тайёрлаш ва чиниқтириш ишларини яхшилаш муаммоси ҳам ҳал этилмаган. Спорт қўмиталари, халқ маорифи идоралари ёшларнинг хизматга жисмоний жиҳатдан тайёргарлик даражасини юзаки таҳлил этишмоқда, унинг яхшиланишига таъсир кўрсатишмаяпти. Биз кўпинча ўзимизни рақамлар билан «овутиб келаяпмиз», чақириқ ёшидаги ҳар 10 йигитнинг тўққизтаси ГТО нормативларини топшириб, қўшинларга кетаяпти, деб хурсандчилик билан хабар қилаяпмиз. Текшириш чоғида эса хизматга чақирилган йигитлар уч километрга ҳам чопа олмайдилар, 50 метр масофага сузиб бора олмайдилар, бошқаларини айтмай, қўя қолай. Натижа эса бутунлай бошқача бўлиб чиқмоқда: ёшларнинг атиги 25—30 фоизигина ГТО нормативларига бардош бераяпти.

— Владимир Носирович, бўлажак жангчиларга нималарни айтишни хоҳлардингиз?

— Хизмат қилаётган, хизматга жўнаб кетиши керак бўлган ўзбекистонлик жангчилар шўро аскари деган юксак номни шараф билан оқлашларига, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни яхши ҳимоя қилишларига ишонгим келади.

ТАСС, ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

«Мир»: коинот юмушлари

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. «Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида Виктор Афанасьев ва Муса Манаров космик вахтасининг учинчи ҳафтаси бошланди.

Экипажнинг учиш дастурида тузилиши ва электрофизик параметрлари яхшиланган ярим ўтказгичли материалларни вазнсизлик ҳолатида ишлаб чиқариш ишларига катта ўрин берилган. Ҳозирги вақтда «Галлар» ва «Кратер—В» қурилмаларида ярим ўтказгичлар монокристаллари етиштирилмоқда. Космик технология борасидаги ишлар аввалги экспедиция парвози чоғида олинган материалларнинг намуналарини таҳлил этиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда бажарилмоқда.

Тиббий текширув натижаларига кўра Виктор Афанасьев билан Муса Манаровнинг соғлиғи яхши.

Орбитадаги ишлар мўлжалланган иш режасига мувофиқ бормоқда.

Навоий шарафига

ГУЛИСТОН шаҳри марказида, Театр майдонида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуи қурилиши авж олдириб юборилди. Шарқнинг буюк мутафаккири, файласуфи ва шоири таваллудининг 550 йиллиги шарафига бунёд этилаётган ёдгорлик шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшиши, оммавий маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб туриладиган жойга айланиши керак.

Ёдгорлик келаси йилнинг 9 февралида очилиши режалаштирилган, унинг асосини Алишер Навоий ҳайкали ташкил этади. Шоир асарлари қаҳрамонларининг қабариқ тасвирлари туширилган махсус девор ёдгорликнинг ўзига хос безаги бўлади. Кишининг кўзини қувонтирадиган қандиллар билан, теварак-атрофи эса манзарали дарахтлар билан ажойиб безатилган гўзал фаввораи шеърият майдони ҳам ана шу ёдгорлик мажмуига киради.

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Юрий Колесников, меъмор Владислав Русанов ва шаҳар бош меъмори Олим Абдуғаниев ёдгорлик мажмуининг муаллифларидир.

Гулистон шаҳридаги барча энг катта меҳнат жамоалари ёдгорликни бунёд этишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда, ишчи кучлари, техника, қурилиш материаллари билан ёрдам беришмоқда.

«Сирли олам» ойномаси


ОБУНАЧИЛАР 1991 йилнинг январидан «Сирли олам» деб аталган чиройли қилиб безатиладиган болалар ойномасини оладилар. Унга кетадиган харажатни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ўз зиммасига олди. Янги ойномада Ўзбекистон ва мамлакат ёзувчиларининг шеърлари ҳамда ҳикоялари, хорижий болалар адабиётининг намуналари эълон қилинади. Янги ойномада ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, болалар руҳияти, уларнинг ижодини ривожлантириш тўғрисида ота-оналар учун махсус бўлим очиш режалаштирилган.

Оила ҳамшираси

ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳияси «Билим» жамияти ҳузурида хонадонлар учун ҳамширалар тайёрлайдиган уч ойлик курслар очилди. 120 нафар хотин-қиз қисқа вақт ичида беморларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўзлаштириб олдилар.

— Бу ерда тажрибали шифокорлар ва катта ҳамширалар машғулот ўтказишади. Тингловчилар назарий билимларини касалхоналардаги амалий ишлари билан мустаҳкамлайдилар, — дейди ноҳия «Билим» жамиятининг масъул котиби Ш. Расулмуҳамедов. — Биз бу дарсларни кўпдан-кўп оналарнинг илтимосига мувофиқ уюштирганмиз, уларда кўпинча бемор болаларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан муаммолар пайдо бўлиб туради. Пойтахт вилоятининг бошқа ноҳияларида ҳам хонадонлар учун ҳамширалар тайёрлайдиган дарслар ташкил этилади.

Саломатлик клуби





Гурлан ноҳиясида янги болалар касалхонаси фойдаланишга топширилди. Касалхона шанбаликдан тушган маблағ эвазига қурилган. 120 беморга мўлжалланган стационар ва кунига 150 кишига хизмат кўрсатадиган поликлиника замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

СУРАТЛАРДА: биокимё шифокори Турсунбой Жуманов иш устида. Чапда эса болани парваришлаш хусусида ўз маслаҳатларини бераётган шифокор Зулфия Давлатовани кўриб турибсиз.

К. ОТАЕВ суратлари. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг қарорлари

«Марказий Қўмита пленумида кўриб чиқиш учун берилган Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди резолюциялари, қарорлари ва мурожаатномалари лойиҳалари тўғрисида»

1. Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг «ССЖИ Қуролли Кучларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатига муносабат тўғрисида», «Ўзбекистон ЛКЁИнинг Тожикистон ЛКЁИга мурожаатномаси резолюцияларининг лойиҳалари», «Жумҳурият комсомол ташкилотларининг қарзларидан кечиш тўғрисида» ва «Жумҳуриятнинг барча аҳолисига, ёшларига мурожаатномаси» қарорларининг лойиҳалари Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди номидан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленумида кўриб чиқиш ва узил-кесил қабул қилиш учун берилсин.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган резолюциялар, қарорлар ва мурожаатномалар матнлари Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленумида кўриб чиқиш якунлари бўйича ёшлар нашрлари саҳифаларида эълон қилинсин.

«Ўзбекистон ЛКЁИдан номзоди кўрсатилиб, БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари фаолияти тўғрисида»

1. Ўзбекистон ЛКЁИдан номзоди кўрсатилиб, БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари П. Охунов, Н. Каримбердиева, А. Мелиев, С. Раҳимова, ўртоқларнинг фаолияти ҳақидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари томонидан депутатлик фаолиятининг бош мақсади ва йўналишлари Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилоти манфаатлари билан боғлиқлигини етарли даражада тушунмаганликлари оқибатида Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилоти сиёсий ва ташкилий имкониятларидан фойдаланганликлари, шунингдек, жумҳурият комсомол ташкилоти томонидан ижтимоий буюртма ҳам берилмаганлиги таъкидлансин.

3. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси тузилмасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлик юзасидан бўлинма ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига БЛКЁИ Марказий Қўмитаси олдига қуйидаги ваколатларни федерация субъектларига бириктириб қўйиш тўғрисидаги масала қўйиш топширилсин:

— жумҳурият комсомол ташкилотидан номзоди кўрсатилиб, БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари федерация субъектлари вакилларидир;

— жумҳурият комсомолининг сонига қараб, БЛКЁИ томонидан ССЖИ халқ депутатларини сайлашда федерация субъектлари учун вакиллик (белгилаб қўйилган ўрин) сақлансин.

5. Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилоти манфаатларини ифодаловчи БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатларининг ҳисобот бериши қуйидаги тартибда белгилансин:

— Ўзбекистон ЛКЁИдан номзоди кўрсатилиб, БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари йилига камида бир маротаба Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленумида қилган ишлари тўғрисида ҳисоб берадилар;

— БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутати, жумҳурият комсомолларининг ишончини оқламаса, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми таклифи билан чақириб олиниши мумкин.

6. Ўзбекистон ЛКЁИдан номзоди кўрсатилиб, БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари вилоят комсомол қўмиталари билан келишган ҳолда ўзларининг ҳамкорлик қилиш доираларини қайта кўриб чиқишлари керак. Ўзбекистон ЛКЁИдан номзоди кўрсатилиб, БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатларини ҳудудларга бириктириб қўйиш масаласи кейинчалик Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленумида кўриб чиқиш учун киритилсин.

7. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига, вилоят комсомол қўмиталарига ўз ҳудудлари доирасида депутатларнинг жамоат қабули учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш топширилсин.

«Ёшларнинг хўжалик ташаббускорлигини ривожлантириш ҳақида»

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш, давлат билан ҳамжиҳатлик қилганда ёшларни иш билан таъминлаш имконини берувчи ёшлар корхоналари системасини тузиш, йигит-қизларни ижодий, бунёдкорлик меҳнатига жалб қилиш, ёшларда янгича иқтисодий тафаккур, ёш ишбилармонлар авлодини тарбиялаш жумҳурият комсомолининг асосий вазифаларидан биридир.

Ёшлар корхоналари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган охирги пайтда қабул қилинган ССЖ Иттифоқининг ҳуқуқий актлари ва шунга ўхшаш қабул қилинишга тайёрланган Ўзбекистон ССЖ қонун лойиҳалари кўрсатадики, мамлакат, жумҳурият раҳбар органларда, молиявий органларда ёшлар иқтисодиётининг аҳамияти етарли даражада тушунилмаяпти. Ёшлар корхоналарининг келажаги хавф остида. Съезд Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашига, Ўзбекистон ССЖ Президентига қуйидаги илтимос билан мурожаат қилади:

— жумҳуриятда ёшлар корхоналари мақоми қонуний равишда белгилансин; Жумҳурият хўжалик комплекси инфраструктурасига ёшлар иқтисодиётини уйғунлаштиришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий-молиявий механизмини яратишга кўмак берилсин;

— ёшлар корхоналарига Ўзбекистон ССЖнинг амалдаги қонунчилигида ман этилмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш имконияти берилсин;

— ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги тузилмалари дастлабки икки йил мобайнида солиқ тўлашдан озод қилинсин; ёшлар корхоналари учун даромад солиғи 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилсин; фаолият турига қараб ёшлар корхоналарига солиқ солиш ставкалари табақалаштирилсин;

— ёшлар корхоналаридан олинадиган солиқ халқ депутатлари маҳаллий Шўролари йўналишидаги ижтимоий ҳаракатномаларнинг маблағ билан таъминлаш манбаи эканлигини назарда тутган ҳолда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга сарф қилинган ёшлар корхоналари ҳаражатлари маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқ ҳисобига киритилсин; ёшлар корхоналаридан олинадиган солиқ ёшларнинг ҳудудий жамғармаларига ўтказилсин ва ёшлар ҳаракатномаларини маблағ билан таъминлашга йўналтирилсин.

Съезд Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига:

— ёшларнинг хўжалик ташаббускорлигини ривожлантириш юзасидан аниқ таклифларни маромига етказиш ва Ўзбекистон ССЖнинг Олий Кенгашига киритиш;

— ёшлар илмий-техник ижодиёти системасини таъсис этувчиларидан бири сифатида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ЁИТИ системасини ЁИТИ тузилмалари ягона системасига ва Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларга ёрдам бериш жамғармасига уйғунлаштириш ва ЁИТИ марказларининг 50 фоиздан кам бўлмаган мулкини комсомол қўмиталари — марказлар ташкилотчиси ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни киритиш;

— Ўзбекистон ЛКЁИга тааллуқли корхоналарни ташкил этиш ва улар ишини юритишга оид ҳужжатларни маромига етказиш ва тасдиқлаш;

— Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ тузилмасида ёшлар иқтисодиёти бўлими ёки бошқармасини тузиш;

— Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ ҳузуридаги Ёшлар олий билимгоҳи ва Ўзбекистон ССЖ Меҳнат давлат қўмитаси базасида комсомол ходимлари ва комсомол корхоналари раҳбарларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун корчалонлар мактаби очишни топширади.

Ёшлар тадбиркорлигини молиявий рағбатлантириш ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш учун Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг фойдаланилмаган молиявий ресурсларини бирлаштириш мақсадида тузиладиган ёшлар тижорат банкининг Устав жамғармасига маблағ ажратиш ҳаттоки акцияларнинг назорат қилиш мажмуасига эга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Вилоят, ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталарига ёшлар тижорат банклари билан амалий ҳамкорлик олиб бориш йўлларини ўрганиш тавсия этилсин.

Хушхабарлар

ГУЛИСТОНДАГИ тажриба ремонт-механика заводи «Жигули» автомашинаси тормоз системаси учун эҳтиёт қисмларнинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди. Корхона жамоаси рентабеллик даражасини оширадиган янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни жуда тез ўзлаштириб олди. Гулистонликлар Тольяттидаги «Автозапчасть» бирлашмаси билан тузган шартномада бу маҳсулотларни Волжск автозаводининг Ўрта Осиё жумҳуриятларида жойлашган автомарказларига бевосита етказиб бериш кўзда тутилган.

ВОРОШИЛОВ ноҳиясидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида Сирдарё вилоят матлубот жамиятига қарашли консерва заводи ишга тушди. Унинг қуввати йилига уч миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқаришга тенг. Ноҳия хўжаликларидан сотиб олинган хом-ашё энди узоққа ташиб борилмайди. Бунинг устига консерва маҳсулотлари сифати яхшиланади.

ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги Акмал Икромов номли хўжаликда 400 хонадон мавжуд. Шулардан 320 тасида 303 бош қорамол ва кўплаб қўй-эчки боқилмоқда. Бу миқдор ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Жамоа хўжалиги раҳбарияти жумҳурият Президентининг аҳоли шахсий чорвасини етарли ем-хашак билан таъминлаш ҳақидаги фармонини амалда бажаришга аҳд қилган. Хўжалик иқтисодчиларининг ҳисобига кўра ҳар бир хонадонга 700 килограмм ўрнига бир тоннадан, жами 320 тонна хашак сотилди.

Бунинг эвазига хонадон чорвадорлари ўзаро тузилган шартнома асосида 100 тонна серқаймоқ сут топширдилар.

Нуқтаи назар

ВАТАН ТУЙҒУСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилинди. Давлат тили тўғрисида қонун кучга кирганига ҳам бир йилдан ошди. Аммо ўзгариш жуда секин бўляпти. Ҳаммасининг бош сабаби, биз ўз тарихимизни билмаймиз, демак биз ўзлигимизни, кимлигимизни унутганмиз. Шу боис ҳамма нарсага лоқайд, бефарқ бўлиб қолдик, бизда миллий ҳис-туйғу йўқолди. Қадимги алломалардан бири «Тарихини билмаган одам саводсиздир», деган экан. Саводсиз одамдан онгли сиёсий ҳаракатни кутиш ҳам нодонликдир. Шу боис биз халқимизни ана шу карахтлик, ғафлат уйқусидан уйғотишимиз керак, халқимиз ўзлигини англасин. Бу эса бизнинг халқ олдидаги муқаддас фарзандлик бурчимиздир.

Таниқли шоир Хуршид Давроннинг «Ёшлик» ойномасининг шу йил 1-сонидаги «Ватан чегараси» мақоласи менда ғоят катта таассурот уйғотди. Унда ҳикоя қилинишича эрамиздан олдин яшаган юнон адиби Лукианнинг «Ватан шаънига» номли асарида шундай сўзлар бор: «Менинг бу гапларим ғоят эски гаплардир. Лекин ҳақиқат шундаки, ўз отасини севмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қила олмайди, ўз Ватанини севмаган киши ўзгалар ватанини ҳам қадрлай олмайди». Икки минг йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса ҳам Лукиан учун жуда эски бўлиб туюлган бу гаплар нақадар замонавий жаранглаяпти.

Ватан деганда нимани англаш керак?

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га биноан, «Ватан — 1) Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт; 2) Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳар ёки қишлоғи, юрт, диёр; 3) турар жой, бошпана, макон, уй».

Боболаримиз: «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», дейишлар.

Буюк мутафаккиримизнинг фикрича, биз туғилган юртимиздан узоқ кетсак, бизни «тортиб келатурғон қувват ўз ватанимизнинг, она тупроқнинг меҳру муҳаббатидур»

Биз «Ватан» сўзини не-не сўзларга қўшиб не-не қадриятларга ном топамиз: «Ватан тупроғи, Ватан адабиёти, Ватан туйғуси, Ватан тарихи...» Бобокалон шоиримиз Алишер Навоий:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама,

дейди. Чунки Ватандан ташқарида бахт йўқ, бегона юрт ҳеч қачон Ватан бўлолмайди. Ҳақиқий ватанпарварлик Ватан манфаати йўлида керак бўлса қурбон бўлишга ҳам тайёр туришда намоён бўлади. Чунки ўзингни Ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

Ж. Байрон айтганидек, ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани севолмайди.

Барча жиноятлар, хоинликлар, орасида энг тубани, оғири — бу Ватанга, эл-юртга, хиёнат, сотқинликдир. Сотқинлик, хиёнатнинг кўринишлари ҳам очиқчасига, ҳам яширин бўлиши мумкин. Ўзининг ҳатти-ҳаракати билан юртига, миллатига доғ тушириш ҳам — Ватанни, миллатни сотиш демакдир. Ватан, миллат тақдирига бефарқлик, лоқайдлик. Ватан миллат тақдири билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинаётган пайтда бетараф туришлик, ўзини билиб, билмасликка олиш, гўллик ҳам хиёнатдир.

Беш йилдан ортиқроқ вақт бўлдики, барча жумҳуриятлар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий мустақилликларини қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Жумҳуриятимизнинг барча фуқароларини ушбу кураш жабҳасида фаол қатнашаётирлар, деб айтолмаймиз. Албатта меҳнаткаш ишчи ва деҳқонлар оммасининг аксарият кўпчилиги ўзининг ғоявий-сиёсий, маданий савиясининг етарли даражада камол топмаганлиги туфайли бундай кураш жабҳасида фаол иштирок этолмаётирлар. Аммо бу ғояни жумҳурият зиёлилари оммасига нисбатан айтолмаймиз. Чунки, жумҳуриятнинг тўла мустақиллиги муаммоларидан ўзини четга олаётган, унга бефарқ қараётган тарихшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи, файласуф ва бошқа фан соҳаларининг казо-казо олимларини ғоявий-сиёсий савияси етарли даражада камол топмаган, деб айта олмаймиз ва бундай хулоса чиқариш бизнинг томонимиздан нодонлик бўлур эди.

Ёшларимизнику бир чеккада қўятурайлик ҳатто ёши улуғ авлодларимизнинг аксарият кўпчилиги ҳам (шу жумладан зиёлиларимизнинг ҳам) ўз она-Ватани тарихини билмайдилар. Чунки Шўро ҳокимияти йилларида мактабларимизда Россия тарихини ўқитдик, Румо, Вовилония, Византия, Франция, Америқо, Англия ва бошқа жаҳон мамлакатлари тарихини ўқитдик, аммо Ўзбекистон тарихига бурилиб ҳам қарамадик. Ёшларимиз Кир ва Юлий Цезарни, Доро ва Буюк Карлни, Чингизхонни, ва Наполеонни, Иван Грозныйни, Петр Іни, Борис Годуновни яхши биладилар, аммо Буюк Темурни, Улуғбекни, Бобурларни билмайдилар. Темурни билганлар ҳам уни мўғуллар авлодидан ва босқинчи каллакесар деб тушунадилар. Халқ бахти-саодати учун, хурлик ва озодлик учун, эксплуатация ва зулмга қарши курашган румолик Спартакни, француз Жанна Дъаркни, Россиядан деҳқонлар қўзғолонларининг йўлбошчилари Болотников, С. Разин, Е. Пугачевларни, лашкарбошилар Суворов ва Кутузовларни ёшларимиз яхши биладилар, аммо ўзимизнинг Тўмарис ва Спитамен, Муқанна ва Таробий, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди сингари афсонавий миллий қаҳрамонларимиз ҳақида кам нарса биладилар.

Шўро ҳокимияти йилларида мактабларимиз, ўрта махсус ва олий ўқув юртларимизда Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўқитмаганлигимизни бир чеккада қўятурайлик. бу ҳам майлига. Аммо шу йиллар давомида мавжуд дарслик, қўлланма ва адабиётларда, ёшлар аудиторияларида ўқиладиган маъруза ва суҳбатларда авлодларимизнинг бутун тарихи, маданияти ўтмишини қоралаб келдик, йигит-қизларда бу ўтмишга нисбатан нафрат ҳис-туйғусини тарбияладик. Бу ишларни четдан биров келиб қилгани йўқ. Буни энг аввало ва биринчи навбатда ўз халқимиз, ўз миллатимиз орасидан чиққан жумҳурият фирқа ва ҳукумат раҳбарлари, амалдорлар қилдилар, буни ўзининг кимлигини билмаган шўрлик «олимлар» — тарихчи, файласуфларимиз — лаганбардорлар қилдилар. Бу сотқин лаганбардорлар зиёлилар миллатни, халқни таҳқирлаш, оёқ ости қилиб камситишда гўё ўзига хос ким ўзди мусобақасини ўйнадилар, бундайлар ҳозир ҳам йўқ эмас.

Жаҳон миқёсида тан олинган дунёвий билимларнинг энциклопедик қомусчилари, бобокалон ватандошларимиз Хоразмий, Беруний, Фаробий, Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқаларга ўзимизда ўқув юртларида ўқитиладиган дарслик ва қўлланмаларда муносиб ўрин ҳам топилмади. Бизнинг кўрган билганимиз Оврўпо ва рус маданияти ва илмининг намоёндалари бўлди, холос: Аристотель, Архимед, Ньютон, Ломоносов, Менделеев, Пушкин, Лермонтов ва ҳоказо.

Иш шу даражага бориб етдики, Октябрь инқилобига қадар ҳам, инқилобдан кейинги рус тарихчилари ҳам чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганлигини исботлаб том-том китоблар ёзган бўлсалар-да, чор армиясининг генераллари Перовский, Черняев, Кауфман, Скобелов ва бошқалар Ўрта Осиё ва Қозоғистонга қилган қонли юришларини очиқ-ойдин ёзиб қолдирган бўлсаларда, ўзимиздан чиққан зўраки зиёли олимлар турли «йўллар ва далиллар» билан Ўрта Осиёни «Россияга «ихтиёрий» қўшилганлигини «исбот қилдилар».

Ҳаёсизлик ва лаганбардорлик ҳам эви биланда. В. И. Лениннинг ўзи Россияни «халқлар турмаси», деб атаган бўлса, қайси бир эсини йўқотган телба халқ ўз ихтиёри билан бу турмага кирар экан. Ҳар қанча аччиқ бўлса-да, ҳақиқат, тўғри сўз афзал барибир эгрининг, ёлғоннинг умри қисқа.

Дунёда қайси бир халқ, миллат Октябрь инқилобидан кейинги икки ўн йиллик вақт мобайнида ўз ёзуви — алифбосини икки марта ўзгартирди? Бунинг оқибатида ўтмиши, тарихи, маданиятини ўрганишдан жудо бўлган ночор халқ ўзбекдан кўра яна борми? Мамлакатимизда давом этаётган инқилобий қайта қуриш ҳар бир халққа ўзлигини англашга ўтмишда, сталинизм ва турғунлик йилларида йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тузатиб олишга қулай имкониятлар яратиб берди. Бу имкониятлардан РСФСЖ, Литва, Латвия, Эстония, Украина, Молдавия. Гуржистон, Озарбайжон, Арманистон ва ҳатто бизнинг қўшнимиз Тожикистон жумҳуриятлари ҳам ақл ва фаросатни ишга солиб унумли фойдаланмоқдалар.

Озарбайжон жумҳурияти ҳукумати озарбайжон тарихини 1990-2000 йилларда ўрганиш, ўқитиш ва оммалаштириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқди ва уни амалга оширмоқда.

Озарбайжон ўлкасидаги арман, рус мактабларида Озарбайжон тарихи 148 соатлик дастур асосида ўқитилади ва ўқувчилар бу фандан мажбурий имтиҳон топширадилар. Кечки ва сиртқи олий ўқув даргоҳида Озарбайжон тарихи 100 соатлик дастур асосида ўрганилади.

Бизда-чи? Бизнинг жумҳуриятда Ўзбекистон тарихи ўрта мактабларнинг мажбурий ўқув дастури ҳисобланмайди ва ўқув режаларидан ўрин олмаган. Ўзбекистон тарихи ўрта мактабларда факультатив ҳисобланади, унга бор-йўғи ўн икки соат ажратилган, холос. Мактаб директори юртпарвар, миллатпарвар бўлса, «бир бало қилиб» соат топиб бу фанни ўқитади, бўлмаса йўқ. Ўқувчилар Ўзбекистон тарихи фанидан имтиҳон ҳам топширмайдилар. Ўрта махсус ўқув юртлари ва билимгоҳларда эса Ўзбекистон тарихи фан сифатида умуман тан ҳам олингани йўқ, ўқитилмайди ҳам.

Олий ўқув юртларида қандай аҳвол? Ўзбекистон тарихи ва маданияти фани В. И. Ленин номидаги Тошкент дорилфунунининг тарих куллиётида 60 соатлик дастур асосида, қолган мутахассисликларда 30 соатлик дастур бўйича, Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи тарих куллиётида 70 соатлик, қолган мутахассисликларда 30 соатлик, маданият олий билимгоҳида 70. Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳида 54 соатлик дастур асосида ўқитилади. Бу олий билимгоҳларда Ўзбекистон тарихи ва маданияти факультатив ҳисобланади. Талабалар бу фандан фақат синов топширадилар, холос, имтиҳон топшириш ўқув режасига киритилмаган. Кўпчилик олий билимгоҳларида «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» умуман фан сифатида тан олинган эмас ва ўқитилмайди. Бу қандай ҳол, шу ҳам инсофданми? Биз ўзбеклар ўз тарихимиз, маданиятимизга бу даражада беписанд ҳурматсизларча қарайдиган бўлсак, «бегоналар» бизни ҳурмат қилсинларми, бошқа миллат вакиллари бизнинг тарихимиз ва маданиятимизни ўргансинларми?

Ахир инсоф билан айтинг-чи, халқимизнинг уч минг йилликдан ортиқ бой тарихи ва маданиятини 30-60, борингки, 70 соатда (унинг ҳам катта бир қисми амалий соатларга кетади) қандай қилиб ўрганиш мумкин? Бу мутлақо талабга жавоб бермайди.

Жумҳуриятнинг мутасадди ташкилотлари, энг аввало, Халқ таълими, Олий таълим ва Маданият вазирликлари жумҳуриятда Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўқитиш масалалари билан боғлиқ бирор бир амалий тадбирларни амалга оширганлари йўқ. Ўқитиш режа ва дастурлари ишлаб чиқилмади, бу фанни барча ўқув юртларида ўқитиш юзасидан тадбирлар кўрилмади. Билмадик, бу вазирликлардаги мутасадди ўртоқлар ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, деганларидек одатдагидек марказдан, Москвадан махсус кўрсатма-буйруқни кутишаётган бўлсалар ажаб эмас.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш, ўқитиш ва оммалаштириш масаласини энг олий даражада — жумҳурият ҳукумати даражасида қўйилмайди, Ўзбекистон мустақиллиги муаммоси бош масала бўлиб турган ҳозирги пайтда Ўзбекистон тарихи ва маданиятини аввало ёш авлод томонидан севиб ўрганилиши биринчи даражали аҳамият касб этмайдими?

Тўғри, баъзи бир олий ўқув юртларида «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» фанини ўз ташаббуслари билан ўқитишга киришдилар, бу фан бўйича кафедралар ташкил қилинмоқда. Аммо бу иш жумҳурият миқёсида давр талаби асосида қўйилганича йўқ. Халқ таълими, Олий таълим ва Маданият вазирликлари бу муаммо тўғрисида бош ҳам қотирганларича йўқ, улар елка қисишдан нарига ўтмаётирлар.

Ахир ватанпарварлик тарбияси ота-онага, ўз маҳалла, қишлоғингга, ноҳия, шаҳаринг, вилоят ва жумҳуриятингга бўлган чексиз муҳаббатдан, унинг тарихи ва маданиятига бўлган мислсиз ва тенгсиз ҳурмат-садоқатдан бошланмайдими, Ўз ота-онаси, ўз она тупроғи, қишлоғи, ўз миллати ва халқи, ўз тарихи ва маданиятини севмаган кимса қандай қилиб «бегоналарни» севолсин, қандай қилиб бундай шахсдан том маънодаги байналмилалчи чиқсин. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасидаги қуйидаги сатрларга эътибор беринг-а:

Тарихингдур минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим,
Сенга тенгдур Помиру оқ соч Тяньшон ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу, сўйласин Урхун хати,
Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлидирман, мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсин, содиқ ўғлон ўзбегим.

Ҳа, ўзбек халқининг тарихи бамисоли очилмаган қўриқдир. Биз ана шу қўриқни очишимиз керак. Она-Ватан тарихини бемалол кўз-кўз қилиб уялмасдан ўргансак, кўкрагимизни тоғ қилиб, ташвиқот ва тарғибот қилсак, фарзанду набираларимизни ана шу муқаддас тарихга, маданиятга содиқлик руҳида тарбияласак ўзлигимизни тиклаган, бир-биримизга элу юртга, миллатга садоқатни камол топтирган бўлур эдик. Орамизда лоқайдлар, беору беномуслар кам бўлур эди, ўтмиш ота-боболаримиз руҳини шод этган бўлур эдик. Шу боисдан мен жумҳуриятимизнинг, элимизнинг барча жонкуяр ва камарбаста фаол фарзандларини Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш ва ўқитиш муаммосига фарзандлик ҳис-туйғуси билан ёндашиб, қарашга чақириб, қуйидаги масалаларга диққат ва эътиборларингизни тортмоқчи эдим. Бу менинг шахсий таклифларим:

БИРИНЧИДАН, Ўзбекистон жумҳурияти ҳукумати қошида Ўзбекистон тарихи ва маданиятини, ўрганиш, яратиш ва ўқитиш давлат дастурини ишлаб чиқиш бўйича обрўли комиссия тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу комиссия 1991-2000 йилларда жумҳуриятда Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш, яратиш ва ўқитиш бўйича давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва у матбуотда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши даркор. Умумхалқ муҳокамасида обдан пишитилган бу дастур жумҳурият Олий Кенгаши сессияларидан бирида қабул қилиниб, умумий дастури амалга айлантирилиши лозим.

ИККИНЧИДАН, Ўзбекистон тарихи ва маданияти фани жумҳуриятимизда фахрий фан бўлиши лозим. У барча мактабларда, билимгоҳлар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида энг асосий ва мажбурий фан сифатида ўқитилиши керак. Ҳозирги даврда бу фан учун баъзи бир мактаблар, ўқув юртларида ажратилган соатлар мутлақо талабга жавоб бермайди, у бир неча баробар ортиқ кўпайтирилиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон тарихи ва маданияти фанидан мактаб ўқувчилари давлат имтиҳонлари топширишлари, олий ўқув юртларида эса бу фан юзасидан кириш имтиҳонлари жорий қилиниши ва битирувчи курслар талабалари давлат имтиҳонлари топширишлари айни муддао бўлур эди.

УЧИНЧИДАН, Ўзбекистон тарихи ва маданияти фани бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласини қўйиш ва зудлик билан ҳал қилиш лозим. Чунки бу фан бўйича кадрлар тайёрлаш ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан мутлақо талабга жавоб бермайди. Шу боисдан ТошДД ва Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи базасида Ўзбекистон тарихи ва маданияти ўқув педагогика олий билимгоҳини ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги масаласини ўйлаб кўрилса деган фикрдамиз. Агар мустақил олий ўқув юрти очишнинг иложи бўлмаса, Тошкент Давлат доирлфунуни ва Низомий номидаги муаллимлар олий билимгоҳининг тарих куллиётларини Ўзбекистон тарихи ва маданияти куллиётлари қилиб ўзгартириш ҳамда уларга қабул қилиш режаларини бир неча баробар ошириш зарур бўлса керак.

ТЎРТИНЧИДАН, Ўзбекистон тарихи ва маданияти фанини илмий ўрганиш ва умумлаштириш масаласига катта эътибор бериш лозим. Балким Ўзбекистон археология ва тарихи олий билимгоҳини жумҳурият ФА қошидаги шарқшунослик олий билимгоҳи билан бирлаштириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон археология, тарихи ва маданий меросини ўрганиш шарқшунослик олий билимгоҳи қилиб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлар. Чунки бу илмий-текшириш олий билимгоҳларининг мақсади, илмий ўрганиш объектларининг йўналиши биттадир.

Ана шу катта илм ўчоқлари базасида халқимизнинг қадимий ўтмиши тарихи, маданиятини тезроқ ўрганиб чиқиш, юз минг табоқ қоғоздан иборат бўлган қадимий қўлёзма дурдоналарини ҳозирги ўзбек тилига ағдариш ва улардан халқимизнинг баҳраманд бўлишини таъминлаш нақадар олижаноб иш эканлигини ҳаммамиз биламиз.

Шу пайтгача Ўзбекистон тарихи бўйича мактаблар, билимгоҳлар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабалари учун давр талабига жавоб бера оладиган дарслик ва қўлланмаларнинг яратилмаганлиги бизнинг фожиамиздир.

Хуллас, жумҳуриятимизда «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» фанини фуқаролар, хусусан ёш авлодлар томонидан чуқур, атрофлича ўрганиш ғоят катта нафақат тарбиявий, айни замонда ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Шоди КАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Суҳбатдошларимиз муштарийлар кутмаган кишилар. Яъни, жумҳуриятимиз Давлат хавфсизлик қўмиталарининг фаолият кўрсатаётган ходимлари. Бугун чекистлар куни.

Балки ҳали бу қўмита ҳақида баъзиларнинг фикри бошқача бўлиши ҳам табиий. Боиси, ёпиқ эшиклар ортида доимо сир-асрорлар яширинган бўлади. Аммо, шукурки, ана шу эшиклар ҳам аста-секин очила бошлади. Биринчи мусоҳабамиз кимда қандай таассурот қолдириши, жумбоқли саволлар, мулоҳазалар уйғотишини бизга қоронғу. У ёғи сизнинг ҳукмингизга ҳавола...

АГАР СИР БЎЛМАСА...

МАРҲАМАТ ТАНИШИНГ: Тоҳир ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги қўмитасининг ходими, 39 ёшда.

Олимжон ОЧИЛОВ ҳам шу қўмита ходими, 35 ёшда.

— Тоҳир ака, биринчи саволни сизга берсам. Бундан 6-7 йил аввал шундай мулоқот бўлишини тасаввур қилармидингиз?

— Йўқ. Чунки ҳали ошкоралик бошланмаганди. Лекин бусиз ҳам барибир бир кун келиб одамлар билан юзма-юз гаплашардик. Халқдан нимани яширамиз? Аслида шу одамлар билан доим бирга бўлсак.

— Шундай дейсиз-у, лекин кўпчиликнинг фикри бўлакчада...

— Бу тўғри. Ҳали ҳам бизга шубҳа билан қаровчилар йўқ дейсизми. Бор. Буни ҳеч қачон инкор этмайман. Шу йилнинг ўзида кўпгина жойларда учрашувлар ўтказдик. Ҳар хил саволлар беришади. Айниқса бизнинг қўмитамиз фаолияти ҳақида ҳижилар орасида нотўғри тасаввур ҳамон йўқолгани йўқ. Аслида эса бундай гап-сўзлар ҳақиқатдан йироқ. Шул боис ҳам одамлар билан юзма-юз ўтказилаётган учрашувларда қўмитамиз ҳақида етарлича тасаввур бераяпмиз.

— Энди икки оғиз қандай қилиб бу қўмитага ишга ўтганингиз ҳақида...

— Оддийгина. Ўқиш ёки сўрасангиз, Марғилон шаҳридаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида тўқувчилик ҳам қилдим. Кейин ўқидим. 1973 йили Фарғона Давлат педагогика олий билимгоҳининг чет тили куллиётини битирдим. Немис тили бўйича мутахассисман. Мактабда халқ таълими бўлимида ишладим. Кейин ўзимдан беш йил олдин олий билимгоҳимизни тугатиб кетган бир йигитни учратиб қолдим. Хавфсизлик қўмитасида ишлаётган экан. Менгаям ўтишимни маслаҳат берди. Қизиқиб қолдим. Ниҳоят ниятим амалга ошди.

— Энди бу ёғи ўзбекчилик. Биласиз, тўй, азада кўринмасангиз бўлмайди. Лекин хизматлар жараёни енгил эмас. Вақт топиш мушкул. Шундай маросимларга аралашиб турасизми?

— Ахир истайсизми, йўқми, бошимизда барибир ҳар хил кунлар бор. Тўй-ҳашамларга хизматчилик туфайли баъзан қатнашолмайман. Аммо азадан ҳеч қачон қолмайман. Ҳар қандай вазифадан ҳам устун турадиган нарса — одамзод бошига кулфат тушганда билинади.

— Хавфсизлик қўмитаси ходимлари учун ҳам ҳарбий хизматчилар сингари 25 йиллик мажбурий хизмат белгилаб қўйилгани ростми?

— Рост, лекин мажбурий эмас. Агар саломатлик кўтарса мумкин. Мана ўзимдан ҳам қиёс: олий билимгоҳда ўқидим, ҳарбийда бўлдим, мактабда, маориф бўлимида ишладим. Бу ерлардаги ҳозир сиз айтаётган ҳалиги 25 йилга кирмайди. Фақат армия хизмати ҳисобга олинади. Бировлар ўйлайди: «Уларга осон пенсияга тез чиқиб кетади, нафақаси ҳам оддий фуқароларга қараганда анча кўп», деб. Агар бошқа меҳнат фаолиятини қўшмай 25 йил тўлиқ ишлаб беролсакгина, юқоридаги ҳавасмандларнинг гапи тўғри чиқади. Соғлигим чидаса-чи? Хуллас, бизга ҳам осон тутманглар.

— Умуман, ДХҚга қандай кишилар олинади? Эшитгандек бўлувдим, фақат фирқа аъзоларигина олишади деб, шу тўғрими?

— Йўқ, ҳозирги кунда талаб ўзгарди. Партиясиз, олий маълумотли, ҳар тарафдан етук ва ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бўлса олинади.

— Масалан, ўз ихтиёри билан фирқадан чиққан, обрўли халқ ҳурмат қиладиган кишичи?

— Мумкин. Агар ўзи ишлаган ташкилот тавсия этса.

— Ишга қабул қилинганлар махсус тайёргарликдан ўтадими?

— Қўмитамизнинг марказий шаҳарлардан бир нечтасида ўз олий ўқув юртлари бор. Бу ерда бир йил ҳуқуқий билим берилади. Сўнгра жисмоний тайёргарликдан ўтилади.

— Иш вақтларингиз чегараланганми?

— Йўқ, иш фаолиятимиз тақозо этса, вақтимиз белгиланмайди.

— Ўз ишингиздан кўнглингиз совуган пайтлар ҳам бўлганми?

— Бу табиий. Бирор ишни топширишса-ю уддалай олмасанг, албатта эзилиб кетасан киши. Ёки биров кўнглингга тегадиган гапни гапириб юборса. Бор имкониятдан фойдалана олмаганингда. Хуллас бундай вақтлар бўлади.

— Ҳозир бу қўмита ҳақида турли хил гап-сўзлар юрибди. Баъзилар ҳар бир жумҳурият мустақиллик йўлини тутадиган бўлса ўз хавфсизлигини ўзи таъминлаши мумкинлиги, ҳатто бу қўмитани бутунлай тарқатиб юбориш тўғрисида ҳам ошкора гаплар айтиляпти...

— Мен бир нарсага шукр қиламан. Ошкоралик бизга кўп нарса берди. Фойдаси ҳам кўп, зарари ундан ҳам кўп десам хато қилмайман. Зарари кўп деб бекорга айтмаяпман. Чунки шу вақтгача бу қадар кўп жанжаллар, тўполонлар, миллий низолар, қонли воқеалар бўлганмиди? Барибир нима бўлганда ҳам ҳар нарсанинг чек-чегараси бўлади. Тан олайлик, бизнинг жамиятимиз, қолаверса, фуқароларимиз ҳали ошкораликка тайёр эмас экан.

— Демократиясиз, ошкораликнинг ҳам чегараси бўлсади...

— Шундай. Тўғри, ҳар кимнинг конституцион ҳуқуқи белгилаб берилган. Эркинлик, демократия деган ҳам шу. Ҳуқуқлар чекланмайди. Лекин меъёр деган нарса-чи? Бу чет элларда йўқми?

Қўмитамиз номига билдирилаётган салбий гапларга нима десам экан? Қўшилса бўладиган жиҳатлари бор. Аммо тўлалигича қабул қилолмайман. Олайлик, шу вақтгача бизнинг фаолиятимиз ҳақида очиғи, фуқароларга тўла маълумот берилмаган. Бир нарсани қанча сир тутсак, у шунчалик шубҳали туюлаверади. Мени қийнаётган нарса, 37-йилларда НКВД органлари томонидан амалга оширилган қатағонларнинг касри ҳалиям бизга ағдарилади. Аслида-чи? Биргина ана шу шафқатсиз қатағон йиллари хавфсизлик қўмитаси ходимларидан ҳам 20 минг киши қатағонга учраганини кўпчилик билармикан? Ҳўлу-қуруқ баб-баравар ёнган эди-ку? Ахир ҳозир биз уларнинг мудҳиш хатолари учун жавоб бермаймиз. Бу мумкин ҳам эмас. Ўша пайтда фаолият кўрсатган қўмита билан ҳозиргисининг фарқи ер билан осмонча.

Бугунги кунда марказий матбуот нашрлари қўмитамиз номига ҳар хил асоссиз сўзларни айтишяпти. Бу эса яна халқнинг бизга бўлган муносабатини ўзгартиради. Уйғониб келаётган ишонч йўқолса нима бўлади? Яна ортиқча миш-мишлар...

— Муаммолар ҳақида ҳам...

— Бор. Ҳамма соҳада бўлганидек. Баъзан арзимаган нарса учун жиғибийрон бўлишнинг ўзи тўғри келади. Мана, биргина ёнилғи масаласи. Балки бу гапларим бировларга майда туюлар. Лекин қачондан бери шу ҳам муаммо. Ҳеч ким ҳал қилолмайди. Тасаввур қилинг, бир ёқда кўнгилсиз ҳодиса рўй бериб турса-ю, бир ёқда эса арзимаган масала устида тортишиб ўтирсак. Жиноятчи кутиб турмайди-ку?

Э, халқимиз турмушида қандай муаммо бўлса, бизларни ҳам бу четлаб ўтмаган. Уй олиш, телефон масаласи, неки кундалик рўзғор мушкулликлари бўлса, биз ҳам кечираяпмиз...

— Энди навбат Олимжон ака сизга. «Аргументи и факти» ҳафталигининг 48-сонида ССЖИ давлат хавфсизлиги қўмитаси раисининг ўринбосари, иккинчи Бош бошқарма бошлиғи В. Грушко билан суҳбат эълон қилинган. Тўғриси, бир муштарий сифатида бу мусоҳаба менга ёқди. Боиси, қўмита фаолияти ҳақида тўла бўлмасада барибир ошкора гаплар айтилди.

— Фикрингизга қўшиламан, юқорида Тоҳир ака «бир нарсани қанча сир тутсак, у шунчалик шубҳали туюлаверади» деб бежизга айтмади. Бу мусоҳабамиз қимматли қаерда. Энди халқдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Яширган сари қизиқиш ортиб боради. Бир ёқда ҳар хил бир-бирига тескари мақолалар босилиб ётибди.

— Суҳбатда фуқароларнинг телефондаги сўзлашувлари ДХҚ томонидан эшитилиб туриши ва ёзиб олиниши (ёзиб олинган лента 3 кунгача сақланиши), рост-ёлғонлиги ҳақида ҳам мухбир саволи бор. Бунга В. Грушко шундай жавоб берган: «...Телефон орқали сўзлашувларни эшитиш биринчидан қонунга зид. Иккинчидан бефойда. Кейин АТСларда телефон орқали барча сўзлашувларни магнит лентасига ёзиб олиниши ва уч кун сақланиши бўлмаган гап». Шунга сиз қандай қўшимча қила оласиз?

— Тўппа-тўғри. Нима, бизнинг бундан бошқа қиладиган ишимиз йўқми? Бир ўйлаб кўринг, бутун катта бир пойтахтда қанча телефон тармоғи бор. Икки ярим миллиондан ортиқроқ одамнинг неча минги бир кунда қанча одам билан гаплашади. Ёзиб олиш учун озмунча маблағ ва меҳнат керакми? Умуман буни амалга ошириш мушкул.

— Шубҳали ва таъқиб остига олинган кишилар сизларнинг доимий назоратларингизда бўлиши мумкинми?

— Йўқ, буям нотўғри. Қачон қўлимизга қонуний санкция берилган тақдирдагина шундайларни ушлаш мумкин. Изидан тушиш, таъқиб қилиш бутунлай қонунга хилоф.

— Агар сир бўлмаса ўзингиз бевосита иштирок этган воқеалардан бирини айтиб бера оласизми?

— Энди иш бошлаган пайтларим эди. Тажриба кам. Хабар келди: қуролланган жиноятчи яна бир неча марта оғир жиноят содир этиб қочган. Изидан тушдик. Отишга рухсат берилмайди. Унинг учун эса ҳаёт аллақачон тугаган. Чунки аввал қилган жинояти ҳам енгил эмас. Энди қонун барибир кечирмаслигини ҳатто расмий бўлмасада, ўзининг ўлимга маҳкум этилганини у яхши билади. Шунинг учун яна бошқаларни ҳам ўлдириши ҳеч гап эмас. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутдик. Жиноятчи қилган ишига яраша «экканини ўриб олди». Бундай ҳодисалар чекистлар ҳаётида учраб туради.

Чекистларга ҳам осон эмас. Гоҳо ўлим билан юзма-юз келинади. Шунда ҳар бир қадамнинг ўлчовли эканини ҳис қилиб турасан. Бундан-да даҳшатли нарса борми? Лекин сени ҳеч ким мажбурлаб шу соҳага олиб келмаган. Ўз ихтиёринг билан келгансан...

— Спорт билан шуғулланганмисиз?

— Албатта. Дзюдо билан шуғулланганман. Яна бир неча, бизнинг касбда керак бўладиган спорт турлари билан шуғулланиб тураман.

— Оилангизнинг муносабати?

— Рафиқамнинг ўзи чекистнинг қизи. Бу соҳанинг оғир-енгил томонларини тўғри тушунади. Оғир кунда ҳам, енгил кунда ҳам ёнимда. Шукр, фарзандларимиз бор.

— Яна ДХҚ фаолиятига қайтайлик. У энди иш услубларини ўзгартирадими ё?

— Бу ҳақда анчадан бери гапириляпти. Ҳатто қўмитамиз фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳақида қонун лойиҳалари ҳам ҳукуматга тақдим этилган. Навбат жуда чўзилиб кетди шекилли. Бир йилдан ошиб қолди...

— Йўқ, доим ҳам жамоатчиликнинг фикри билан марказ ҳисоблашавермайди. Шу вақтгача қабул қилинган қанчалаб қонунлар, қарор ва фармонларнинг ярмисиям кенг муҳокама қилинмаб, киритилган таклиф-мулоҳазалар ҳисобга олинганига шахсан мен шошмайман...

Олимжон ака, мана ССЖИ Олий Кенгашининг «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида» 23 ноябрь куни қабул қилган қарорида энди Давлат хавфсизлиги қўмитаси ходимлари иқтисодий зарар етказишларга қарши кураш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини сақлаш, ташиш ва сотишда тартиб ўрнатиш учун жалб қилиниши айтилган. Нима, ички ишлар, БХСС, прокуратурадек катта «армия» уддалай олмаган ишни сизлар эплай оласизларми?

— Ҳозирдан катта гапириб қўймайлик. Буни вақт кўрсатади. «Касаллик» енгил эмас. Мана кўрмаяпсизларми, халқнинг нафратини қўзғатиш учун халқ истеъмоли ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини атайлаб, сунъий равишда келтириб чиқараётган ташкилотлар, одамлар бўлаяпти-ку? Қанчадан-қанча катта жиноий гуруҳлар савдода бемалол фаолият кўрсатиб ётибди. Уларни топиш, жиноятни очиш осонми? Мана шу масалаларни ечишда бир-биримизга ёрдам беришимиз керак.

— Ўз ишларинг қолиб...

— Шундоқ ҳам уюшган жиноятчилик, гиёвандлар ишига ҳам аралашиб юрибмиз-ку? Ҳали ўзгариш сезилмаяпти. Биласизми, сир қаерда? Бекорга «уюшган» жиноятчилик дейилмайди-да. Уларнинг бирлашиши ҳам, ажралиб кетиши ҳам осон. Калаванинг учини топгунимизча бошқа жойларда қанчадан-қанча «операция»лар амалга оширилади. Аммо ҳали айтганингиздек, барибир ўз вазифамизни бажариш биринчи галдаги иш. Масъулият катта. Кўриб турибмиз, бир ёқда бозор муносабатларига ўтилса ҳали иқтисодий ва моддий аҳволимиз янада мураккаблашади. Лекин умидсиз бўлмаслик керак. Икки йил қийналармиз, борингки, уч йил қийналармиз, аҳвол яхшиланади.

— Биз ҳам сизларнинг оғир ва машаққатли ишларингизга муваффақиятлар тилаб бугунги қутлуғ байрамларингиз билан табриклаймиз.

Н. ЖАЛИЛ ёзиб олди.



Сурат муаллифи Е. БОТИРОВ.

Шахсий фикр

ЎЙЛАБ ҚОЛАСАН

Мураккаб жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Айримлар бир хулосага келган бўлса, кўпчилик эса нима қилишини билмасдан эргашиб кетмоқда. Баъзилар нима қилиб бўлсаям пулни буюмга алмашиш чорасини ахтариб қолишган. Албатта, маоши иккинчи ойга етиб-етмай турган оилалар нима қилиши керак?

Халқ тўпланган жойда савол бериб қолишади. Ун тақчил бўлиб қолди, қачон яхши бўлади? Ёки бозорда сабзи фалон пул. Ўша савол берган кишига савол билан жавоб бергингиз келади.

— Нега ўзингиз томорқага буғдой, сабзи ёки бошқа тур сабзавотдан экмадингиз деб.

Ҳақиқатдан ҳам яхшилаб назар солсангиз кўпчилик деҳқонларимиз ёки қишлоқ аҳли берилган томорқадан қандай фойдаланаётганлиги кўриниб қолади. Баъзилар бор томорқасига бир марта маккажўхори экиб, ўриб олади холос, шу билан ернинг 12-ойлик умри бекор ўтади. Молга емиш бор. Инсонга, ўзимизга йўқ.

Ўша ерга турли хил мева-сабзавот экиб, бир-неча марта ҳосил олиб, ҳам ўз оилангизни таъминлаб, ортиқчасини бозорга чиқарсангиз нарх осмонга чиқиб кетмасди-ку.

Бизнинг онгимизга «давлат ҳар қандай ҳолатда халқни таъминлайди», деган тушунча сингиб кетган. Ахир бизда бўлмаган, биз етиштирмаган нарсани давлат қаердан олади?

1990 йилдан бошлаб барча ноҳияларда янги корхона-маҳаллий саноат иттифоқлари тузилди. Бу корхоналар асосан тегирмон, ғишт заводи обжвоз ва бошқа маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини очиб, аҳоли муҳтож бўлган товарларни етиштиришлари керак эди. Аммо йил тугаяпти. Бу ташкилотларимиз эса оғирларини қўйиб, енгилроғи, хўроз қанд ясаш, угра ош пишириб сотиш каби ишлар билан шуғулланиб юрибди. Деҳқон томорқасида буғдой етиштирди дейлик. Ун қилиш учун қаерга бориши керак?

Жамиятнинг олға силжишида тўғоноқлик қилаётган яна бир нарса бу мажлисбозлик касалидир. Яқинда «Аргументи и факти» рўзномасида бир мақолага кўзим тушиб қолди. Мақолада айтилишича мамлакатимизда бир йилда 293 млн. киши-соат мажлис қилар эканмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Ана шу вақт мобайнида қанчадан-қанча ишлаб чиқариш керак бўлган маҳсулот тайёрланмай, аҳолига етказилмай қолади.

Агар кўп, фирқали жамият бўлиб қолсак-чи? Баъзан энг долзарб пайтларда чақиришиб, сенга таалluқлими-йўқми суриштирмасдан хонага қамаб, ўша кунга зарурати бўлмаган масалаларни соатлаб муҳокама қилишади. Оммавий ташкилотларимиз ҳам кўпайиб кетганки, нима билан шуғулланаётганлигини билмайсан. Лекин ўшанинг ҳам мажлисига қатнашишинг шарт. Топшириқларни ён дафтарингга ёзиб олаверасан. Аммо бажариш учун вақт тополмайсан. Таъна эшитмаслик учун кечалари ҳам ишлашга тўғри келади.

Кунора ҳар-хил раҳбарлар маърузаси учун турли-туман ҳисоботлар-ахборотлар тайёрланади. Уларни кимдир ўз вазифасига кирмаса ҳам иш вақтини ўғирлаб, зиммасига юкланган ишларини қолдириб, тайёрлаб бериши керак. Аслида штатлар рўйхатида бунақа вазифа йўқ. Бунинг учун иш ҳақи тўланмайди. Фақат белгиланган вазифадаги иш ўз вақтида бажарилмай қолади.

Шуларни мулоҳаза қилиб ўйлаб қоласан. Бугунги мамлакатдаги ночорликнинг илдизлари шу ерда эмасмикан?

Холмурод ҚИЛИЧЕВ,

Ленин йўли ноҳияси савдо ходими.

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Александр Королев). «Ҳеч қайсимиз урушни истамаймиз, лекин ҳеч биримиз Форс кўрфазидаги танглик қисман ҳал этилишига рози ҳам бўлмаймиз», — деб таъкидлади АҚШ Президенти Ж. Буш «Чўл қалқони» операциясига бевосита жалб этилган мамлакатларнинг элчилари билан учрашувда. Оқ уй бошлиғи ўзининг қисқа баёнотида, гап Ироқнинг Қувайтга қарши босқинчилигига барҳам бериш борасидаги «бу фавқулодда тарихий сай ҳаракатда у ёки бу даражада иштирок этаётган тахминан 28 та давлат тўғрисида» бораётганини таъкидлади. Амалда ҳар биримиз, деди у, ҳарбий қисмларни кўпайтиришга ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз. Бу қисмлар миқдори ҳозирнинг ўзидаёқ 200 минг кишидан ошиб кетди, яна бир неча ўн минг аскар қўшилиши кутилмоқда.

КОПЕНГАГЕН. (ТАСС мухбири Александр Сидоров). Данияда ҳукумат танглиги барҳам топди: Консерватив Халқ фирқаси (КХП)нинг Раиси Поуль Шлютер икки буржуа фирқаси — КХП билан Венстре либерал фирқаси вакилларидан иборат янги ҳукумат тузди.

Янги ҳукуматга ташқи ишлар вазири лавозимини яна Венстре фирқасининг Раиси Уффе Эллеман-Енсен, иқтисодиёт ва солиқлар масалалари вазири лавозимини Андерс Фог Расмуссен (Венстре), мудофаа вазири лавозимини Кнуд Энггор (Венстре) эгаллади.

Маҳаллий шарҳловчилар янги ҳукумат барқарор бўлмайди, деб таъкидлашмоқда. Илгариги ҳукумат каби ҳозирги озчилик ҳукмрон иттифоқи ҳам ўз қарорларини амалга ошириш учун оппозициядаги буржуа фирқаларига ҳамда Дания социал-демократик фирқасига мурожаат қилишига тўғри келади.

ПРАГА. (ТАСС мухбири Игорь Шамшин). ЧСФЖ ҳукуматининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида халқаро нормалар ва стандартлардан Чехословакияда фойдаланиш муаммоси кўриб чиқилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятидаги ўзгаришлар муносабати билан Чехословакия ҳукумати бу соҳадаги учта халқаро битимнинг бекор қилинишини маъқуллади.

Мамлакатнинг олий ижроия идораси ЧСФЖда уран қазиб олишни чеклаш концепциясини ўзгартириш лойиҳасини муҳокама қилди. Ташқи савдодаги ягона шерик бўлган Совет Иттифоқи стратегик жиҳатдан муҳим бу хом ашёни сотиб олмаётганлиги туфайли Чехословакия уранни фақат ўз ядро энергетикаси эҳтиёжлари учун етарли миқдорда қазиб олишни режалаштиришига тўғри келади.


БМТ. (ТАСС мухбири Михаил Кочетков). БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр Исроил маъмурлари тўрт фаластинликни босиб олинган ҳудуддан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилгани муносабати билан таассуф билдирди. Унинг вакили ана шуни маълум қилди. Перес де Куэльярнинг фикрича, бу иш, у амалга оширилган тақдирда, тўртинчи Женева конвенциясига хилоф бўлади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Фаластин фуқароларининг босиб олинган ҳудуддан сургун қилинишига бир неча бор қарши чиққан ва шу муносабат билан тўртта қарор қабул қилган, деб таъкидлади БМТ Бош котибининг вакили.

(ТАСС).

ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК

ЛОНДОН. Президент Горбачев кўп ойлар мобайнидаги энг кучли нутқ билан чиқди, деб таъкидланади Ай-Ти-Эн телекомпаниясининг кўрсатувида. У Совет Иттифоқини қора кучларнинг қутуришидан муҳофаза этиш учун қатъий ҳаракат қилишга чақирди. Президент Шўро раҳбарияти хато ва нуқсонларга йўл қўйганини, ўз иқтисодий сиёсатида пухта ўйламасдан, шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилганини тан олди. Шўро давлатининг раҳбари унга ишончсизлик билдириш хусусида овоз бериш ўтказишга уринишларни енга олди ва ҳар бир Шўро жумҳуриятида янги Федерация таркибидаги аъзолик тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун референдумлар ўтказишни таклиф қилди. Президентни яқин вақтгача танқид қилиб келганлар уни съездда кутилмаганда қўллаб-қувватладилар. Айрим депутатлар норозилик билдиришмоқда, бироқ Президент Горбачевнинг ўрнини боса оладиган бошқа номзод йўқлигини ва унга кенг ваколатлар берилиши лозимлигини кўпчилик тушуниб етди. Бошқа бир асосий масала — Совет Иттифоқининг келажаги ва янги иттифоқ шартномасига келганда эса, телекомпания шарҳловчисининг таъкидлашича, билдирилаётган шубҳаларга қарамай, шўро парламентида «ҳозир янги реализм ҳисси яққол сезилиб турибди». Мамлакатда тобора ўткирлашиб бораётган иқтисодий муаммолар туфайли норозилик кучаяётган шароитда съезд ўнг ва сўл кучларни бирлаштирди.



ДИҚҚАТ, ТАЖРИБА!

«Ўсмирлар фақат ўсмирлар билан тил топиша оладилар: ёш «маслаҳатчилар» — Америкада чиқадиган «Ньюсуик» ойномаси шундай сарлавҳа остида жуда қизиқ материал босди. Маълумки, секс масалаларида ўсмирлар ота-оналари билан маслаҳатлашишдан кўра ўз тенгдошлари билан суҳбатлашишни афзал кўришади, деб ёзади ойнома, бундай «тажриба алмашиш» эса кўпинча болалар жинсий алоқани нотўғри тушунишлари, ҳомиладорликдан сақланишни билмаганликлари сабабли ёмон оқибатларга олиб келади. Мана шуни тушунган ҳолда Милуоки шаҳрида (АҚШ) ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш маркази тузилди. Қизиғи шундаки, ундаги ўқитувчилар ёши 15—17 дан ошмайди. Улар махсус тайёргарликдан ўтган бўлишиб, тенгдошларига ҳам жуда кенг билим беришади. Секс масалаларида маълум қийинчиликларга дуч келган ёшлар бемалол тенгдошларига ўз муаммолари ҳақида айтиб беришлари ва тегишли йўл-йўриқ олишлари мумкин.

СУРАТДА: 17 яшар Кайя Камерон махсус тайёргарликдан ўтган. У юқори синф ўқувчисига ҳомиладорликдан сақланиш йўлларини тушунтирмоқда.

ТАСС сурати.

АҚШ ВА БРИТАНИЯ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ТАХМИНИ

ВАШИНГТОН, 19 декабрь. (ТАСС). АҚШ билан Буюк Британия фазовий идораларининг мутахассислари фазогирлар 1986 йилда ташлаб кетган «Салют—7» — «Космос—1686» Шўро фазовий комплекси келаси йилнинг 29 январь ва 24 февраль кунлари орасида ер атмосферасининг зич қатламларига кириб, ёниб кетади, деган фикрни билдиришмоқда.

Америкада чиқадиган «Спейс ньюс» ҳафтаномасининг хабар қилишича, Фарнборо (Буюк Британия)даги қироллик аэрофазовий бошқармаси ўз ҳисоб-китобларига асосланиб, комплекс келаси йилнинг 11 февралида атмосферага кириши эҳтимолга яқин, деб ҳисобламоқда. Мазкур бошқарма барча сунъий фазовий объектларни ҳамда йўлдошларнинг йирик парчаларини кузатиш билан шуғулланади. Инглиз мутахассислари ўз тахминларини билдириш билан бирга, ушбу санани аниқ муддат деб ҳисобламаслик ва бу воқеа юз бериши қуёш фаоллигига қараб 13 кун кейин ёки олдинроққа сурилиши мумкинлигини инобатга олиш лозимлиги тўғрисида огоҳлантиришмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЛИЛИКО ҒОЙИБ БЎЛДИ

● САН-ПАУЛУДА рўй берган ҳодиса, нафақат ушбу штатда, балки бутун Бразилияда камдан-кам учрайдиган воқеадир. Ҳайвонот боғидан Лилико лақабли 16 ёшли шимпанзе яқинда тўсатдан йўқолиб қолди. Бу воқеа ҳақида дарҳол шаҳар аҳолисига хабар берилди. Ҳамма яхши кўрадиган маймунни ҳайвонот боғи ходимлари, полициянинг бир взводи қидира бошлади.

Ниҳоят, Лилико ҳайвонот боғи ёнидаги майхоналарнинг биридан маст ҳолда топилди. Ҳайвонот боғи ветеринарининг айтишича, шимпанзе ҳеч қандай дорисиз «ўз уйи»га келтирилди, чунки у оёғида туролмасди. Маймуннинг кайфи тарқагач, яна одатдагидек қувноқ бўлиб қолди. Лекин ҳайвонот боғи ходимлари «Нима учун Лиликонинг бирдан қочгиси келиб қолди, у қандай қилиб спиртли ичимлик «отиб олди», ёки майхона мижозларидан бирортаси маймунни йўлдан урдими?» деган саволлар тинчлик бермаяпти.

ИЧДИНГМИ, АҚЛИНГНИ ЙЎҚОТМА!

● ТАНЗАНИЯДА спиртли ичимликлар тўрт тоифадаги карточка билан сотилади. А тоифадаги карточка билан барча турдаги спиртли ичимликларни хоҳлаган миқдорда сотиб олиш мумкин. В карточкаси билан кучли спиртли ичимликлар маълум миқдорда сотилса, С тоифадагиси билан истаганча пиво харид қилиш мумкин. Д карточкаси бўлган кишиларга эса белгиланган миқдорда пиво сотилади. Мабодо бирор киши карточкасини «юқори» тоифадагисига алмаштирмоқчи бўлса, унинг оилавий аҳволи, даромади, қарзи бор-йўқлиги, энг асосийси — спиртли ичимлик истеъмол қилгандан кейин ўзини қандай тутиши ҳисобга олинади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Алишер Навоий рубобиётидан сабоқлар

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.
Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.
Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами, андоқки, айлар меҳр фош.
«Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг»,
Десам, оғзи ичра айтур, «Лаъл ҳам бор навъи тош».
Новакинг кўнглумга киргач жон, талашмоқ бу экин
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.
Умри жовид истасанг, фард ўлки, бўстон хизридур
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.
Қоши оллинда Навоий берса жон, айб этмангиз,
Ғар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидир барча бош.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 249-ғазал)

ЛУТФИЙНИНГ ЛУТФИГА САЗОВОР

Энг машҳур ғазаллардан бўлмиш бу асар Навоийнинг йигитлик даври лирикасига мансуб. Навоийшуносликда эътироф этилишича, ғазал шоирнинг ўн беш ёш, ўн олти ёшларидаги ижоди маҳсули. Навоийнинг замондоши муаррих Хондамир «Макорим ул — ахлоқ» асарида ёзишича, бу ғазал улуғ туркигўй шоир Лутфийнинг самимий эътирофи ва беназир баҳосига муяссар бўлган. Бу тарихий ҳодисани Хондамир шундай ҳикоя қилади: «...бир куни (Алишер) Лутфий хизматига борди. Лутфий «ўз нозик фикрларингиз натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилсангиз», деб илтимос қилди. Ул ҳазрат бир ғазал ўқиди...» Навоий юқоридаги матлаъ билан бошланган ғазални ўқигач, мавлоно Лутфий қуйидагича муболағали таҳсин айтадилар: «...агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим». Албатта, бу таҳсин кекса алломанинг ёш ижодкорга меҳри, хайрихоҳлиги, рағбати туйғулари, билан йўғрилган. Шундай бўлсада, у ғазалнинг, муболағадан ташқари, фавқулодда гўзал бадииятидан далолат беради.

Ушбу асар етти байтдан иборат ишқ мавзуида битилган, таркибий (композицион) тузилишига кўра яхпора ғазалдир. Ғазалнинг матлаъ байти мустақил бир лирик асар жавобини берадиган даражада шаклланган бўлиб, шу байтнинг ўзиёқ юқоридаги сингари таҳсинларга сазовор. Чунки унда тугал лирик манзара, ҳолат, кайфият, мазмун мужассам. Байтнинг гўзал ва ҳайратомузлиги сеҳри шундаки, унда инсон табиатидаги кечинмалар манзараси ва табиат ўзгаришларидаги кечинмалар манзараси монандлиги, уйғунлиги доҳиёна топқирлик билан ифодаланган: лирик маъшуқа юзини беркитгач, лирик қаҳрамон кўзларидан ҳар лаҳза ёш сочилади, гўёки, қуёш пинҳон бўлиши, яъни кун ботиб, кеч кириши билан самода юлдузлар пайдо бўлади. Кўздан ёшлар сочилишини кўкда юлдузлар пайдо бўлишига қиёслашдан кўра руҳбоб (лирик) манзара яратиш қийиндир. Манзаранинг рубобийлиги яна шундаки, осмонда юлдуз пайдо бўлиши билан қоронғу тун рўшнолашади, кўздан ёшлар сочилиши натижасида кўз ва кўнгил равшан тортади демак, ҳижрон тийралигидаги лирик қаҳрамон таскин топади. Байтнинг «Оразин ёпқач» ибораси билан бошланиб, «ниҳон бўлғоч қуёш» ибораси билан тугалланиши, дастлабки ва сўнгги сўзларнинг «ораз» (чеҳра, жамол) ва «қуёш»дан иборат бўлиши тасодифий эмас. Бу — замирида бадиият қонунияти ётган санъат. Бундан манзур билан она табиатнинг энг юксак ва ўтли аъзоси — офтоб орасидаги илоҳий бир уйғунликни илғаб олиш мумкин.

Қут бир бодому ерим
гўшайи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир
балолиғ кўзу қош.

Ушбу байтдан сужуд ва тақвога берилган бир ўспириннинг баногоҳ ишқ домига дучор бўлиши манзарасини тасаввур қилиш мумкин. Биринчи мисрани сўзма-сўз ўгирадиган бўлсак, «меҳробнинг бир четида маскан тутиб, бодомхўрлик билан машғул эдим», деган мазмун чиқади. Бундан нимани тушуниш мумкин? Тимсол ва рамзлар — «меҳроб»у «бодом»нинг мағзини чақмасак, байтдан баҳра тополмаймиз. «Бодом» ҳамда «меҳроб» юзаки ва ички маъноларни ўзида яшириб турибди. Зоҳиран, «бодом» маъшуқанинг кўзу қоши орасидаги бодомсимон қобоғини, «меҳроб» эса унинг қошини ифодалайди. Ботинан, «бодом» — имон, эътиқод, динни; «меҳроб» эса масжид, саждагоҳни англатади. Англаш мумкинки, ёш лирик қаҳрамон масжидда гўшанишин ҳолда тақвою ибодатга берилган эди. У танҳо диндан озиқланарди. Ногоҳ маъшуқанинг ошиққа бир назар солиши билан «бир балолиғ кўзу қош» бирлашиб унинг имон-эътиқодини остин-устун қилиб юборди. Яъни, у дину имонга рахна солувчи ишқ балосига мубтало бўлди. Қизиғи шундаки, тасвирда нигоҳнинг ташқи манзараси ҳисобга олинган. Нигоҳ чоғида кўзу қош бирлашади, бодом қобоқлар эса ғорат этилади, кўмилиб кўринмай кетади.

Байтдаги «Ғорати дин этмоқ» ибораси тўғри тушунишни талаб қиладиган нуқталардандир. Чунки у кўп ҳолларда Навоий нуқтаи назарига зид равишда талқин этиб келинган. Бундай талқинлар Навоий дунёқарашига ғоятда тескари. Ушбу байтларда заррача атеистик кайфият йўқ, ҳажв, ҳазил бор, холос.

Бу дамодам оҳим ифшо
айлар ул ой ишқини,

Субҳнинг бот-бот дами,
андоқки, айлар меҳр фош.

Лирик қаҳрамон маҳбуби ишқини пинҳон тутишга интилади. Аммо юрак ўртанади, ошиқ дам-бадам оҳ тортишдан ўзини тиёлмайди. Мана шу оҳлар лирик қаҳрамон муҳаббатини, маҳбубасини ошкор этади. Бу ҳолат шунга ўхшайдики, тонгда тез-тез елиб турган еллар «меҳр» изҳор этади. «Меҳр» — кўп маъноли ифода. Биринчидан, тез-тез эсиб турган тонг шамоли ошиқ оҳларига таскин беради, яъни меҳрибонлик қилади. Иккинчидан, тонг шамоли кўкдаги булут ва туманни тарқатди, Меҳр — Қуёшнинг юзини очади.

Кейинги байтлар, асосан, таъриф-тавсиф услубида яратилган. Аммо Навоий қуруқ таъриф-тавсифлаш йўлидан бормайди.

«Бўсае қилмас мурувват,
асру қаттиқдур лабинг»,
Десам, оғзи ичра айтур,
«Лаъл ҳам бир навъи тош».

Шоирнинг муддаоси манзур лабини васф этиш. Бунинг учун у ошиқ ва маъшуқни мунозарага киришт ради, маъшуқ лабининг лаълийлигини унинг ўз тилидан айттиради.

Албатта, маъшуқанинг ў ё бу аъзосини васф этиш бир «баҳона». Бунинг билан муаллиф маъшуқ жамолини тасвирлашдан ташқари, лирик қаҳрамон аҳволу руҳиятини изҳор этиш, инсон ҳаётининг нозик лаҳзаларини, оний кайфият товланишларини ифодаловчи ҳазил-мутойиба, қочириқ, сўз ўйинлари яратишга бир йўла эришади. Мана, маъшуқ киприги васфига эътибор беринг:

Новакинг кўнглумга киргач,
жон талашмоқ бу экин
Ким, қилур пайконини
кўнглум била жоним талош.

Гўёки, маъшуқа киприклари ошиқ бағри томон ўқ узади ва уни яралайди. Бу ёғи — анъанавий тасвир. Аммо ундан кейинги ҳолат-ғаройиб. Ярадор лирик қаҳрамон жон талаш ҳолатга тушади. Яна қандай жон талашиш! Ҳаёт билан видолашув, хайрбод маъносидаги жон талашув эмас, гўё, аксинча! Маъшуқа киприги найзасини лирик қаҳрамоннинг кўнглига ва жонига ўзаро талашиб тортишади. Демак, ошиқ қалб қасдида отилган «новак» — қаттол ва, айни пайтда, жонбахш. Бу — бадиий юмор имкониятини ва маҳорат маҳсули.

Умри жовид истасанг,
фард ўлки, бўстон хизридур
Сарвким, даъб айлади
озодалиғ бирла маош.

Лирик чекиниш тарзида айтилган бу байт фалсафийлиги билан ажралиб туради. Байтда «ўлмас ва абадий умр истасанг, танҳо яша», деган фикр илгари сурилган. Бу — Навоийнинг шахсий ҳаётий эътиқоди ифодаси. Шоир ушбу фикрига далил сифатида, тамсил усулида табиатдан, сарвдан ибрат олишга чорлайди: «Сарв танҳо яшайди, ҳосил бермайди, шунинг учун ҳам у бўстоннинг умрбоқий хизридир». Шугина сўзлар билан кифоялансак, муҳтарам ғазал мухлислари улуғ шоирнинг танҳоликка даъвати моҳиятини тўғри ва тўлиқ тушунолмай қолишлари мумкин. Шу боисдан, Навоий шахсияти ва дунёқарашидаги бу ҳолни кенгроқ шарҳлашни жоиз топамиз.

Адабиётшунослигимизда ҳазрат Навоийнинг Бобур таъбиридаги «оламни таврe фард ва жарида ўткарганлиги» (ҳаётни фавқулодда ёлғиз ва бўйдоқ кечирганлиги) сабаби жисмоний асосга боғланган номуносиб таассуфланарли талқинлар мавжуд. Навоий биз таҳлил этаётган илк ижодига оид ғазалдан тортиб умрининг охирида ёзган асарларигача қалб дафтарларининг кўп саҳифаларида ўзининг фардлик—танҳолик фалсафаси ва ҳасби ҳолини шарҳлаб кетган. Қарилик даври ижодининг ифодаси — «Фавоиди ул-кибар» девонидаги 8-қитъасини тўлигича шу муаммога бағишлаган. Фардлик моҳияти изоҳи қитъанинг муайян қисмини ташкил этувчи сарлавҳаданоқ бошланади: «Фардлиқ бобидаким, «фард»нинг агарчи ҳарфи завждур, аммо бориси фарддур бу маънини билган аҳли дард». Бунинг маъноси шуки, гарчи «фард» сўзи тўрт ҳарф, яъни жуфтликдан иборат бўлса ҳам, аммо моҳияти буткул танҳоликдирки, буни фақат дард аҳлигина англай олади.

Қитъанинг ўзи Навоий танҳо яшаб ўтгани жисмоний асосга эмас, руҳий асосга эга эканлигини тўла исбот этади:

Эй Навоий, англаким, хуш
оламедур фардлиғ,
Гар қуёш васлин тиларсен,
фард бўл зарротдин.
Ул эмастур фардлиғикким,
жуфтдин фард ўлғасен,
Фард улдуркким, мужаррад
бўлғай ул ҳар зотдин.

Англашиладики, Навоий маслагидаги инсон учун «фардлиғ» — «хуш олам» эди. Навоий эътиқоди чинакам танҳоликни тақозо этар эди. Шунинг учун у, ҳаттоки, жуфти ҳалол билан биргаликдаги танҳоликни чинакам танҳолик деб ҳисобламасди. Унинг орзусидаги висолга — ваҳдатига вужудга эришиш, илоҳий танҳолик билан бирлашиб, сингишиб кетиш учун, борлиқнинг бутун зарралари, манфаатларидан озод, ҳоли бўлиш қонуний эди.

Қош васфида адо этилган мақтаъ ҳам диққатга сазовор:

Қоши оллинда Навоий берса
жон айб этмангиз,
Гар будур меҳроб, бир-бир
қўйғусидир барча бош.

Шоир қошни тўғридан-тўғри, бевосита меҳробга ўхшатишдан сақланган. Зеро, бу Навоийнинг тасвирлаш услубига ҳам, ғазалнинг бошланма байти савиясига ҳам мувофиқ тушмас эди. Шунинг учун шоир чиройли асослаш йўлидан боради ва инсон қоши билан масжид меҳроби шаклидаги ўхшашликдан фойдаланади. «Меҳробга сажда қилиш чоғида барча бир-бир бош қўйганидек, мен ҳам қошинг меҳроби олдида бош эгиб, жон фидо этаман», деган бадиий мантиққа асосланган васф яратади.

Бундан ағёрга қаратилган мана бундай киноя ҳам англашилади: «Навоийни айблашга шошилманг, маъшуқанинг қошики шундай гўзал меҳроб экан, барчангиз бир-бир бош қўясиз ҳали. Илоҳий гўзалликка тан берасиз ва Навоийнинг аҳволига тушасиз!»

Ғазал Навоий бадиий маҳоратининг нодир маҳсули сифатида ҳамиша қадрлидир.

Нусратулло ЖУМАЕВ.

Илк намойиш



ЖАҲАННАМГА САФАР

Сўнгги йилларда мустабид силсиланинг жазо ўчоқлари— маҳбусхоналар ҳаётидан асар ёзиш русумга айланди. Гап фақат сталинизм даври ҳақида кетаётгани йўқ. Куни кеча «Ўзбеклар иши» деб бутун дунёга жар солинган, Москвадан юборилган «адолат фаришталари» Гдлян ва Иванов гуруҳларининг ўзбек пахтакори ҳаётига солган навбатдаги заҳари ва оқибатда ўттизинчи йиллар қатағони такрорланганини, қанчалаб кишиларнинг гуноҳсиз узоқ муддат қамоқхоналарда ушлаб турилгани, одам боласи эшитмаган қийноқларга солингани... кўплаб асарларга мавзу бўлди. Ҳали бу ҳақда кўп бора ёзилажак.

Суҳбатдошимиз иқтидорли шоир Комил Аваз. Яқинда Огаҳий номидаги Хоразм вилояти театрида унинг «Жаҳаннам» номли фожиаси саҳналаштирилди. Асар боя айтганимиздек, «адолат посбонлари»нинг адолатсиз ишлари ҳақида. Эътиборли томони, муаллиф айнан ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни қаламга олган. Комил Аваз «пахта иши»да айбланиб, 1985—88 йиллар давомида икки йил-у ўн ой Московда Бутирка қамоқхонасида ўтирди ва роппа-роса 3 йил деганда ҳибсдан озод бўлиб қайтди.

— Комил оға, сизни элдошларингиз иқтидорли шоир сифатида яхши билишарди. Кейин... Турли миш-мишлар тарқалди. Қамоққа олинганингизни эшитиб кўпчилик ҳайратланди... Аслида нима бўлганди!

— Қамоққа олинганга қадар учта шеърий тўпламим чоп этилганди. «Ажиб сир», «Шошмақом» ва «Хива хонишлари»...

Бу пайтда ўз мутахассислигим бўйича пахтачилик соҳасида ишлаётгандим. Бадиий ижод билан мустақил шуғулланганман. 1985 йилнинг 12 февраль куни Московга чақиришди ва қамоққа олишди. Жумҳурият пахта тозалаш саноати вазирининг ўринбосари гўё мендан икки марта минг сўмдан олган эмиш. Кейинчалик ўша вазир ўринбосари билан юзлаштиришганда у нотўғри бўлса ҳам айтган туҳматидан қайтмади. Унга «агар шундай кўрсатма берсанг, сени озодликка чиқарамиз» дейишган бўлса, ажаб эмас. Мана сизга адолат посбонларининг ҳақиқатни ҳимоя қилишлари...

«Ўзбеклар иши» бўйича иш олиб борган терговчилар гуруҳи (улар асосан оврўполиклар) зўр бериб, янгидан-янги «бандаларни» фош этишга берилиб кетганди. Кимнидир йўқотиш учун яна кимларнидир қамоққа олиш керак. Ёки жуда каттакон бировни бадном қилиш учун қайси бир бечора «ем» вазифасини ўташи лозим эди.

— Сиз шахсан Гдлян ва Иванов билан юзлашдингизми!

— Ҳа. Лекин улардан бирортаси мени тергов қилмади. Фақат бизни суд қилишаётганда Гдлян келиб қатнашиб кетди. Ҳибсхонада ётган давримда кўрган-кечирганларим шундайки, гдлянчилар мазмун моҳияти жиҳатидан бериячи-ежовчилардан мутлақо фарқ қилишмайди. Ўша қийноқ усуллари, ўша хўрлаш, ўша мутлақ ҳокимлик. Сольженицининг «Архепалаг ГУЛАГ» асарини ўқиганман. Мустабид силсила жазо машинасининг фаолияти менга яхши маълум. «Пахта иши» ҳам шу. Кимнидир сотишинг керак. Терговчининг айтганини қилиб, «яхши» десанг, қутилганинг. Яъни ўн йил беришади. Йўқ, рози бўлмасанг ўн беш йилни оласан. Адолатнинг ўлчови, ҳақ-ноҳақлик бу ерда ўрин тутмайди. Ҳақиқий жиноятчи озод қилиниши ёки сира айби бўлмаган одам кесилиб кетиши ҳеч гапмас. Ҳаммаси терговчиларга боғлиқ.

— Гдлянчиликни сталинчилик билан тенгладингиз. Ўша йилларда маълумки, қамалганларнинг оила аъзоларини ҳам тинч қўйишмаган. Нима демоқчи эканлигимни англадингиз шекилли!

— Ҳозир ошкора ёзишмоқда. Гдлянчилар фақат маҳбуснинг ўзини эмас, унинг оила аъзоларини ҳам қийнашган, қамашган, бошқа турли хил қийноқ усулларини ўйлаб топишган. Айтишим керак, мен қамалгач, акам — шоир Эркин Самандарга ҳам тазйиқ ўтказишга уринишган, у ўша пайтда вилоят рўзномасининг муҳаррири эди. Вилоят фирқа ташкилотининг конференциясида юқорининг кўрсатмаси билан вилоят қўмитаси аъзолигига сайланмайди. Шу бу йил эса у вилоят фирқа қўмитасининг котиблигига сайланди, Президент кенгашининг аъзоси бўлди. Ҳозир у Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари.

— «Жаҳаннам»га қайтамиз. Асар беш кўринишдан иборат бўлиб, унда саҳна айланиб биз гоҳ маҳбуслар ётадиган хонани, гоҳ тергов хоналарини кўрамиз. Айни пайтда бутун саҳна кўриниши давомида итларнинг ҳуришлари, маҳбусларнинг босинқираган товушлари эшитилиб туради...

— Воқеалар қамоқхонада рўй беради. Асосий қаҳрамонлар «пахта иши» азобини тортган кишилар — бригадирлар, раислар, пахта қабул қилувчилар.

Асарнинг бош фалсафаси — тузумнинг паст-баландликларидан норозилик, дарғазаблик.

Самадовнинг яна бир ҳамхонаси Толиқ исмли йигит — ғирт ўғри. Камера «пахани». Самадовга совун едиришдан ҳам қайтмайдиган, дийдаси қаттиқ, азоб беришдан роҳатланадиган шахс.

Охирги саҳна Самадовнинг хотини Маҳбуба билан учрашув картинаси. Маҳбуба эрига қарата: Сизнинг бегуноҳ эканлигингизга бутун юрт ишонади, — дейди. Самадов бутун юрт дедингми, (терговчиларни кўрсатиб) буларчи? (залга қараб) Одамлар-чи, одамлар ишонармикан?! — дейди...

Асар фожиалардан иборат. Унда сотқинликлар, қаллобликлар акс этган. Биринчи томон — терговчилар, соқчилар, қамоқхона хизматчилари ва иккинчи томон — ҳибсдагилар ўртасидаги муомала очиб берилган. Шундай саҳна бор: қамоқхона соқчиси ҳибсга олинган аёлни олиб кетяпти. Унга шундай қўпол муносабатда бўладики, чидай олмаган аёл-маҳбус айтади, «Нега бунча хўрлайсиз? Одамга ўхшаб муомала қилинг!» Шунда соқчи айтади: «Сен одаммисан?»

Ёмонлик табиатан яшовчан иллат. Яхшиликни зўрға яратамиз, абадий умр кечиришига ҳар доим умид йўқ. Тахликада, ноумид бўлиб яшаймиз...

— Асар яхши кутиб олинди. Чунки, у бевосита шу ҳаёт қозонида қайнаган, кўз билан кўрилиб, қулоқ билан эшитилган воқеаларнинг ҳаққоний кўзгуси бўлган. Аянчли саҳналар, қийноқлар, одам ўлдиришлар...

— Ўша машъум — 37-йилларда минглаб хоразмликлар ҳам ялпи қирғин қурбони бўлишган. У пайтда машҳур бўлган ибора «дебсан», яъни «деб айтибсан» деб эслайди кексалар. Бир одамни қамоққа олиш, судсиз, ҳукмсиз отиш учун биттагина гап етарди. «Ундоқ деб айтибсан, бундоқ деб айтибсан...».

80-йилларнинг терговчилари қандай ибораларни ўйлаб топишди. «У айтди». «Берганингни тасдиқлайсанми, тасдиқламайсанми?» ҳибсга олинаверди. Кейин жонингдан тўйгач «силлиққина» тасдиқлайверасан. Тасдиқлагач савол-жавоб шундай тузилади: «Нега олдинг?» «Олиш керак эди»...

«Олиш-бериш»дан ҳар иккала томон ҳам манфаатдор бўлиши керак-ку? Суд ҳукмида шунга суянилади. Лекин, терговчилар худди ўша манфаатдорликни топиша олмай ҳалаклар. Ниҳоят бутун халқ устидан ўз ҳукмларини чиқариб юборишди: «Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр». Шу нуқтаи назардан олганда — 37 ва 85 йиллар орасида сира фарқ йўқ. Саҳна асарида шуларни кўрсатишга интилдим.

— Комил оға, майли ўтгани ўтди. Қариялар одатда ёмонларга жазо беришни худонинг ҳукмига солишади. Бошқа чорамиз ҳам йўқ. Ўзбекларга ювуқсиз тамғалар босган, бутун дунёда бадном этган келгинди «фаришталар» гуруҳидан бирортасининг мушугини ҳеч ким «пишт» демади... Аксинча, улар ҳамон айтадиганини айтиб юришибди...

— Энди ижодий режаларингиз ҳақда ўртоқлашсангиз!

— Ҳозир Огаҳий театрида адабий эмакдошлик вазифасида қисман ишлаяпман. Яқинда театрнинг бош режиссёри, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматов билан ҳамкорликда «Жобби жўжакнинг ҳийласи» номли комедияни ёзиб, театр бадиий кенгаши ҳукмига ҳавола этдик. Қабул қилишди. Гулистон ва Термиз театрлари ҳам қўйиш учун сўрашяпти. «Жаҳаннам»ни эса Ленинобод вилоят театри саҳналаштириш учун сўради. Бундан ташқари шеърлар, қўшиқлар ёзаяпман. «Соғинч» деб номланган тўпламим чоп этилиш арафасида. Хоразм комсомолининг етмиш йиллигига бағишлаб, журналист Неъмат Солаев билан ҳамкорликда «Хоразм ёшлиги» деб номланган қисса, ҳикоялар, очерклар китобини тайёрладик. У ҳам тезда нашрдан чиқади.

Яна шу ўринда «Жаҳаннам» фожиамни саҳналаштириб, томошабинларга муваффақиятли ҳавола этган вилоят театри ижодий жамоасига ташаккуримни айтмоқчи эдим. Чунки, ноҳақ айбланиб, умрининг бир бўлагини қора зиндонда — жаҳаннамда ўтказган киши учун бу жуда катта маънавий мадад бўлди.

Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.

* * *

СУРАТДА: «Жаҳаннам» фожиасидан кўриниш.
Жумабой ҚОЗОҚ сурати.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ниҳоят кечагина Цюрих шаҳридан хушхабар келди. Европа кубогининг навбатдаги босқичларида иштирок этувчи командалар рўйхати эълон қилинди.

ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИ: Бу турнирда муваффақиятли қатнашаётган Москванинг «Спартак» командаси Европада энг кучли клублардан бири деб тан олинган Мадриднинг «Реал» клуби билан куч синашади. Қолган командалар қуйидагича тақсимланди. «Милан» [Италия] — «Марсель» [Франция], «Црвена Звезда» [Югославия] — «Динамо» [Дрезден, Германия], «Бавария» [Германия] — «Порто» [Португалия].

КУБОК ЭГАЛАРИ КУБОГИ: киевлик динамочилар «чеки»га Испания чемпионатини бошқариб бораётган «Барселона» клуби тушди. Бу ҳам майли. Чунки киевликлар унчалик анойи командалардан эмас. Шу пайтгача мамлакатимиз футболи тарихида уларчалик шавкатга эришган жамоа кам. Шу гуруҳда ўйнайдиган қолган командалар: «Манчестер Юнайтед» [Англия], — «Монпелье» [Франция], «Легия» [Польша] — «Сампдория» [Италия], «Льеж» [Бельгия] — «Ювентус» [Италия].

УЕФА КУБОГИ: Ҳозирдан бирон нарса деб «башорат» қилмайлик. Балки баъзи мухлислар назарида Москва торпедочиларининг рақиблари унчалик машҳур бўлмаганлиги учун унчалик хавотир уйғотмас. «Брондбю» Дания чемпионати ғолиби. Команданинг энг таниқли футболчиларидан бири Мортен Ольсен бошқаряпти. Тўрт нафар ўйинчи мамлакат терма командаси сафида ўйнайди. Очиғи, бу москваликлар учун навбатдаги ҳал қилувчи учрашувлардан бири бўлса ажаб эмас.

Шу турнир қатнашчилари рўйхати: «Болонья» [Италия] — «Спортинг» [Португалия], «Аталанта» [Италия] — «Интер» [Италия] — «Рома» [Италия] — «Андерлехт» [Бельгия].

Ўйинлар 6 ва 20 март кунлари бўлиб ўтади.

Иттифоқ бўйлаб





Оренбургда кўп йиллардан буён болгарлар ҳам истиқомат қилишади. Улар ССЖИда ишлаётган болгар қурувчиларининг бир қисмидир. Рақс саҳналаштирувчи Методий Филчев ҳам шу шаҳарга ташриф буюрганди. У бу ерда совет-болгар «Дунай» ансамблини тузди. Чапдаги суратда М. Филчев саҳналаштирган лўлича рақсни раққоса О. Иванникова ижро этаётир.

Ўнгдаги суратда эса одессалик гўзал — Инга Левенсонни кўриб турибсиз. У Москвадаги «Космос» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Суратга энг яхши тушадиган гўзал» кўриги ғолибаси бўлди.

ТАСС сурат-лавҳалари.

ТВ

21 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25. Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Электрлаштириш — даврлар мулоқоти». Телефильм. 12.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм. 1-қисм. (такрор.). 13.20 «Аленушка ва солдат». Мультфильм. 13.40 Такрорий фильмлар экрани. «Қайта тергов». Бадиий фильм («Ленфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Қимматбаҳо бандероль». Мультфильм. 18.20 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 18.50 «Ёшлик оқшоми». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Муҳаббат боғи». Мусиқий кўрсатув. 20.25 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси Юнус Ражабий номидаги мақомчилар дастасининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм премьераси. 2-қисм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар: «Қорбобо ва ёз». «Ақчадон». 9.35 «Парнас сари бир босқич». 9.50 «Сўз» адабий-бадиий программасига илова. Останкино концерт студиясида ёзувчи В. Кожиновнинг китобхонлар билан учрашуви. 11.50 И. Стравинский. Уч қисмли симфония. Гамбург «Академия» оркестри чалади. Дирижёр — Э. Ланпсон. 12.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 «Вақт».

* * *

17.15 «Мальта. Дўстлик байрами». Мальтада Россия маданияти ойлиги ҳақида. 17.50 Москва триоси чалади. 18.15 «Агар сиз...». 19.00 «Олтин антилопа». Мультфильм. 19.30 «Миллиардлар қандай бўлинади». Ямални саноат нуқтаи назардан ўзлаштириш муаммолари. 20.30 «ВИД» таништиради: «500 программаси». «Мўъжизалар майдони» капитал томошалари». 21.30 «Вақт». 22.00 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.15 «...Бу бўлган бўлганди...». 22.35 Коллаж. 22.40 «ВИД» таништиради: «Взгляд», «Веди», «Эм-ти-ви». 01.40 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Фламинго». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.40 Адабиёт. 5-синф. М. Ю. Лермонтов. «Бородино». 10.00 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.30 «Реберсинг». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Адабиёт. 6-синф. В. Г. Короленко. «Ертўла болалари». 12.05 «Вивлиофика». 9-кўрсатув.

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўн олти шаҳарлик ўн олти қиз» (Венгрия).

* * *

17.30 Фигурали учиш. ССЖИ чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Минскдан кўрсатилади. **18.15 ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида.** 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ўн икки ой». Мультфильм. 1-қисм. **20.30 ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида.** 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 22.00 Хоккей. «Известия» рўзномасининг соврини учун халқаро турнир. Финляндия — Швеция терма командалари. 3-давр. В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Спорт саройидан кўрсатилади. 22.40 Коллаж. 22.50 Хоккей. «Известия» рўзномасининг соврини учун халқаро турнир. ССЖИ — ЧСФЖ терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 ⑥ 7 8 9 10 11 12

Д. 28638.